

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УКД 657.6

«Ҳимояга тавсия этилади»  
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит  
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.  
Уразов К.Б. *К.Б. Уразов*  
«24» *май* 2010 йил

МАРДОНОВ МАМЕД ШАВКАТОВИЧ

«ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ АУДИТИНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ»

(Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари  
мисолида)

5A340902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик  
даражасини олиш учун ёзилган

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. К.Б.Уразов  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”  
кафедраси мудири

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д. Н.А. Ибрагимов  
Самарқанд саноатчилар  
уюшмаси раиси

САМАРҚАНД - 2010

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-боб. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ</b>	
1.1. Инновацион фаолиятнинг аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи.....	9
1.2. Инновацион фаолият аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил қилишга қўйиладиган талаблар.....	18
1.3. Инновацион фаолият аудитининг режаси ва умумий модули.....	23
<b>2 - боб. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИНИНГ АУДИТНИ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ СИФАТИДАГИ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ</b>	
2.1. Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифи ва таркиби.	31
2.2. Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва улар харакатига доир операцияларнинг ҳисоби.....	33
2.3. Инновацион рискнинг ҳисоби.....	47
2.4. Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг ҳисоби...	55
<b>3 - боб. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА АУДИТОРЛИК РИСКНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ</b>	
3.1. Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг аудити.....	60
3.2. Инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимининг аудити.....	65
3.3. Инновацион фаолият бўйича аудиторлик rischi ҳамда уни камайтириш йўллари.....	72
<b>4.Боб. ҚОРХОНАЛАР ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	
4.1. Мехнат хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари .....	84
4.2. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари...	89
<b>ХУЛОСА</b> .....	92
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	99
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	105

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Халқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш яқин йилларда ва келгусида республикамизда ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир. Ушбу устувор вазифани адо этиш хўжалик юритувчи субъектлар олдига ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз мижозларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, шу асосда пировард натижада олинадиган фойдани янада ҳам кўпайтиришга имкон берувчи инновацион фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда. Республикамиз Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сон қарори корхоналарнинг айнан ушбу фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар давлат дастурида қайд этилганидек, яқин келажакда Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодий шакллантириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай иқтисодий энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, янгича фикрлашни тарбияладиган таълим тизимига таяниши зарур. Бунда «миллий инновация тизими»ни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Негаки, бу яқин йилларда юқори технологик, истикболли ғоялар, ихтиролар ва уларни амалиётга тезкор татбиқ этиш салоҳиятига асосланган иқтисодий ўтишда ҳал қилувчи омилга айланади.

Инновацион фаолиятни ривожланиши ушбу фаолиятни олиб бораётган корхоналарда молиявий ва бошқарув ҳисобини, аудит ва иқтисодий таҳлилни яхши йўлга қўйишни, уларнинг назарий, услубий ва ташкилий жиҳатларини замон талаблари даражасига етказишни тақозо этади. Таъкидлаш жоизки, инновацион фаолият замон ва маконда кун сайин раванқ топиб бораётган

бўлсада, бироқ ушбу соҳа субъектлари фаолиятининг хусусиятлари, уларда ҳисоб ва аудитнинг ўзига хос жиҳатлари етарлича ўрганилмасдан қолмоқда. Ҳозирги пайтда бутун дунё мамлакатлари миқёсида юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз ҳамда жаҳон амалиётида иқтисодиётни ривожлантиришнинг бош омили сифатида тан олинган модернизациялаштириш шароитида инновацион фаолият ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини яратиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Инновацион фаолият ҳисоби, таҳлили ва аудитининг айрим жиҳатлари хорижий ва мамлакатимиз олимлари, чинончи С. Медлик, А. Яковлева, Х. Мусаев, М.Пардаев, Р. Атабоев, К. Уразов, Н. Худойбердиев, И. Феоктистов қаламига мансуб ишларда қисман ўз аксини топган. Бироқ, ушбу манбаларда келтирилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги шароитда юзага келаётган кўплаб муаммоларни ҳал қилишга тўлиқ имкон бермайди. Чунончи, инновацион фаолият, унга сарфланаётган маблағлар, инновацион маҳсулотни тан олиш, баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, ушбу янги фаолиятни аудит кўригидан ўтказишнинг назарий, ташкилий ва методологик жиҳатларини ҳозиргача тўлиқ яратилган, деб бўлмайди. Ушбу масалалар ўта долзарблиги сабабли чуқур изланишларни талаб қилмоқда. Республикамизда инновацион фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлиliga доир дасликлар, ўқув қўлланмалар ханузгача чоп этилмаган. Буларнинг барчаси танланган мавзунинг ўта долзарблигидан, бу муоммоларни чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш зарурати борлигидан дарак беради.

**Мавзунинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Танланган мавзу Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, унинг таркибий бўлинмаси бўлган “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг истиқболли режаларига киради ва уларнинг теварагида бажарилган мустақил иш ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари.** Ушбу магистрлик диссертацияси ишнинг мақсади инновацион фаолият аудитининг назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилишга доир илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдида куйидаги вазифалар кўйилди:

✦ Инновацион фаолият, инновацион маҳсулот, бу маҳсулотни яратишга доир харажатлар ва унинг таннархи каби тушунчаларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш;

✦ Инновацион фаолият аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил қилишга кўйиладиган талабларни белгилаш;

✦ Инновацион фаолият аудитининг режаси ва умумий модулини ишлаб чиқиш;

✦ Инновацион фаолиятга доир харажатларни таснифлаш ва тавсифлаш асосларини очиб бериш;

✦ Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва улар харакатига доир операциялар ҳисобининг яхлит методологиясини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

✦ Инновацион риск ва уни ҳисобга олиш тартибини белгилаш;

✦ Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

✦ Инновацион фаолиятга доир харажатлар аудити услубиятини яратиш;

✦ Инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимида доир операцияларни аудит кўригидан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш;

✦ Инновацион фаолият бўйича аудиторлик рискни баҳолаш ҳамда уни камайтириш йўлларини асослаш.

**Изланишлар объекти ва предмети.** Изланишлар объекти бўлиб Самарқанд вилояти шаҳар ва туманларида жойлашган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади. Изланишлар предмети

инновацион фаолият ва инновацион маҳсулот, унга оид харажатлар аудитининг назарий, методологик ва ташкилий масалаларидан иборат.

**Ишнинг методологик асослари.** Ўзбекистон Республикаси қонунлари, республикада Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қабул қилинган ва амалдаги миллий стандартлар, Низомлар, йўриқномалар, хорижий ва республикада олимлари томонидан чоп қилинган илмий, ўқув ва ўқув-услубий ишлар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, интернет тармоғи материаллари, амалиёт материаллари ишнинг методологик асосларини ташкил этади. Магистрлик диссертациясини бажаришда ҳисоб, таҳил ва аудитнинг замонавий усулларига таянилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

■ инновацион фаолият аудитининг концептуал асослари, чунончи инновацион фаолиятга доир харажатларни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, уларни тан олиш мезонлари ва тамойиллари, инновацион фаолият аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этишга қўйилган талаблар;

■ инновацион фаолиятни молиялаштириш, унга оид рисклар ҳисобини юритиш, инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимида оид муаммоларни ҳал этиш масалалари;

■ инновацион фаолиятни аудит кўригидан ўтказиш услубияти, аудиторлик rischi ва уни камайтириш йўллари ҳамда аудит натижаларини расмийлаштириш, амалиётга тадбиқ этиш масалалари.

**Ишнинг илмий янгилиги.** Ишда эришилган асосий натижалар ва уларнинг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

↓ Инновацион фаолият, инновацион маҳсулот, бу маҳсулотни яратишга доир харажатлар ва унинг таннархи каби тушунчаларнинг аудит объекти сифатидаги моҳияти ва аҳамияти очиқ берилди;

↓ Инновацион фаолият аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил қилишга қўйиладиган талаблар белгиланди;

✦ Инновацион фаолият аудитининг режаси ва умумий модули ишлаб чиқилди;

✦ Инновацион фаолиятга доир харажатларни таснифлаш ва тавсифлаш асослари очиб берилди;

✦ Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва улар харакатига доир операциялар ҳисобининг яхлит методологиясини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

✦ Инновацион риск ва уни ҳисобга олиш тартиби белгиланди;

✦ Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

✦ Инновацион фаолиятга доир харажатлар аудити услубияти тавсия этилди;

✦ Инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимига доир операцияларни аудит кўригидан ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди;

✦ Инновацион фаолият бўйича аудиторлик рискни баҳолаш ҳамда уни камайтириш йўллари асосланди.

**Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсиялар корхоналарда инновацион фаолият аудитининг назарий, методологик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга имкон беради. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсияларни жорий этилиши инновацион фаолият самарадорлигини ошишига, бунда аудиторлик ташкилотлари ва уларда фаолият юритувчи аудиторлар иш сифатини яхшилашга, улар хатарини пасайтиришга имконият яратади.

Магистрлик диссертацияси материалларидан олий таълим муассасалари ўқув режаларида кўзда тутилган «Аудит назарияси», «Аудит», «Амалий аудит», «Бухгалтерия молиявий ҳисоби» ҳамда «Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари» фанларини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларни жорий қилиниши.** Диссертацияда келтирилган илмий хулоса ва тавсиялар «Мараканд-Парранда» кўшма корхонаси ва «Самарқанд Автотеххизмат» АХУда амалий фаолиятда қўллаш учун, шунингдек СамИСИ томонидан ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган, жорий қилиш ишлари тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича 2008, 2009, 2010 йилларда ўтказилган ҳақаро ва институт миқёсидаги илмий – амалий анжуманларда маърузалар қилинди, уларнинг материаллари ва тезислари тўшамларда чоп этилди.

Диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг 2010 йил 29 майдаги илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича жами ҳажми 1,2 босма табоқдан иборат 4 та илмий мақола ва тезислар чоп этилди.

**Ишнинг таркиби.** Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, жами 111 бетдан иборат, унинг таркибида 9 та жадвал, 8 та чизма, 1 та диаграмма мавжуд. Ишнинг илова қисмида мавзуга оид амалий материаллар ва айрим ҳисоб-китоблар келтирилган.

## 1 - боб. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

### 1.1. Инновацион фаолиятнинг аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи

Инновацион фаолият макон ва замонда мавжудлиги, ўз ўрнига эга эканлиги сабабли аудитнинг муҳим объектларидан бири ҳисобланиши табиий ҳол. Бироқ, аудитга оид адабиётларда инновацион фаолиятнинг мазмун ва моҳияти, уни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, ушбу фаолиятга доир маъулотларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини текшириш тартиби етарлича очиқ берилмаган. Шу боис ҳам қуйида инновацион фаолиятнинг аудит объекти сифатидаги моҳиятига, уни таснифлаш ва тавсифлаш асосларига тўхталамиз.

«Инновацион фаолият» атамаси негизида, кўриниб турибдики, авваламбор, «**инновация**» сўзи, ушбу сўз негизининг ўзида эса «**новация**» сўзи ётади. Ўзбек тили луғотига бу сўзлар хорижий тиллардан кириб келган. Чунончи, инглизча «**innovation**», русчасига «**инновация**» сўзи луғотларда «нововедение», «новаторство» сифатида талқин этилган. Рус тилида берилган талқинга кўра бу сўз ўзбек тилига «янгилик киритиш», «янги усул», «киритилган янгилик» каби маъноларда ўгирилган ва изоҳланган. «**Новация**», латинча «**novation**» сўзи рус тилидаги луғотларда «изменение», «обновление», ўзбек тили луғотларида эса «ўзгариш», «янгиликни» маъносида талқин этилган.

«Инновация» атамаси махсус луғотларда ва адабиётларда ҳам турлича таърифланган ҳамда изоҳланган. Чунончи, рус тилида чоп этилган «Большой бухгалтерский словарь»да<sup>1</sup> инновация атамасига (1) «техника ва технология авлодини алмаштиришни таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ

<sup>1</sup> Большой бухгалтерский словарь. Под редакцией А.Н. Азриляна. – М.: «Институт новой экономики», 1999. – с.150.

кiritиш»; (2) «илмий-техник прогресс ютуқлари натижаси ҳисобланган янги техника ва технология» мазмунларида таъриф берилган.

В.А. Макаренко<sup>2</sup> таърири остида нашр этилган замонавий тушунча ва терминлар луғатида «инновация» терминига яна ҳам кенгроқ тавсиф берилган. Луғотда «инновация» термини қуйидаги мазмунда баён қилинган: «инновация – бу:

-техника ва технология авлодини алмашинувини таъминлаш мақсадида иқтисодиётга маблағ йўналтириш;

- илмий-техника тараққийнинг масъули бўлган янги техника, технологиядан фойдаланиш;

-янги ғояларни ишлаб чиқиш, синтезлаш, янги назария ва моделларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш;

- индивидуал тусдаги, такрорланмас, сиёсий дастурларни амалга ошириш;

- тилшуносликда янгидан ташкил этиш, нисбатан янги кўриниш.

Адабиётларда инновация атамасига «янгиликни яратишга қилинган инвестиция», «янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси», «янги техника ёки технологияга, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган капиталдан олинган моддий ҳамда номоддий мулк» каби мазмундаги изоҳлар ҳам берилган. Шунингдек, инновацияга янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи фаолият сифатида ҳам таърифлар берилган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган таърифлар, изоҳларга асосланиб таъкидлаш жоизки, «новация», «инновация», «инновацион фаолият» ҳар қандай кишилиқ жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини раванқ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янги яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир.

<sup>2</sup> В.А. Макаренко савременный словарь. В 2 т.-М., 2000 год.

**Инновация** хўжалик юритувчи субъектларда амалга ошириладиган ишлаб чиқаришни, унинг моддий техника базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш мақсадида янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган махсус фаолиятдир. Фаолият сифатида инновацияларни инсоният меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларида қўллаш мумкин. Бу фаолиятни юритиш жамиятда фан-техника тараққиётига олиб келади. Инновацион фаолият қўйидаги йўналишлардаги янгиликни ихтиро қилиш ва жорий қилишни ўзида мужассамлаштиради:


- янги маҳсулот;
- янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни ташкилий шакли;
- янги бошқарув жараёни ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши, уларга мос равишда, янги молиявий дастаклар ва ташкилий тузилмалар.

Шундай қилиб, инновацияларни жорий қилишнинг энг оптимал даражаларини эътиборга олган ҳолда инновацион фаолиятга қўйидагича таъриф ва тавсифларни бериш мумкин бўлади (1-қизмага қarang).

**Инновацион фаолият** – бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуаси.

**Инновация** – бу амалиётда қўлланилган ва бирмунча самара берган принципиал янги ғоя.. Маълум бир корхонада қўлланилиб, маълум бир самара ёки даромад келтирган инновация, бу илмий ёки бошқарув соҳаларида олдиндан маълум бўлган бўлиши мумкин. Бундан инновация ички ёки локал инновация дейилади.

**Ташқи инновация** деб шундай инновацияларга айтиладики, улар бутун жамият учун янги қўлланилган бўлади, масалан янги маҳсулот, янги бошқарув тизими, янги қонун, янги ижтимоий дастур ва бошқалар. Бундай инновация одатда умумийлик характериға эға бўлиб, уларға кенг миқёсида қўлланилиш характерлидир.



**1-чизма. Иновацияни иқтисодий фаолият сифатида турлари**

Иновацияларнинг характери жиҳатлари (белгилари) сифатида куйидагиларини кўрсатиш мумкин:

- янгилик (илмий-техникавий, иқтисодий-бошқарув, ижтимоий ва ҳакоза).
- амалий аҳамиятлилиги (фан, техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг ривожланган даражасида ҳам иновацияни қўлланилиш мумкинлиги).
- тижоратни аҳамияти (бозор иқтисодиётида қўлланилиши, бу иновацияни самарадорлигининг шартидир).

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг ташаббускори бўлиб тадбиркор, яъни шахс ҳисобланади, чунки, айнан тадбиркор (шахс) фойда олиш учун ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлини излай бошлайди.

Д. Кондратьев<sup>3</sup> фарази бўйича иқтисодиётни ривожланиши даврлар, циклар ёки тўлқинлар кабидир, яъни тўлқинлар узун бўлиши мумкин, иқтисодий ривожланишнинг узок даври (30-50 йил), қисқаси (3-5 йил)

<sup>3</sup> Д. Кондратьев «Анализ финансовой отчетности». Москва, «Финансы и статистика». 1996 год. 383 бет.

бўлиши мумкин. Ҳар қандай тўлқиннинг бошланиши иқтисодий ўсиш билан бошланиб, тўхташи иқтисодий пасайиш билан тугайди.

Агарда иқтисодий ривожланиш қисқа даврда пасайиш билан тугаганда, уни ишлаб чиқариш ва технологиясида озгина ўзгариш юз беради, унга кўтарилиш билан ўтиб олинса, узун тулқинларни, яъни узок даврли иқтисодий инқирозларни **базисли инновация** орқали, яъни ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт, фан, технологияни тубдан ўзгартириб амалга ошириш мумкин, чунки узок даврли иқтисодий инқирозлар чуқур характерга эга бўлади.

Инновацион ривожланиш назариясининг асосчиси бўлиб Йозер Шумпетер ҳисобланади. Унинг назариясига асосан чуқур иқтисодий инқирозлар базисли инновациялар асосида бартараф этилади, бу ҳолда нафақат иқтисодиёт ўзгаради, балки ижтимоий ривожланишда ўз изини қолдиради, чунончи янги таркиблар ташкил топади, янги мутахасисликлар ташкил топади, янги фанлар, ишлаб чиқаришда янги тармоқлар ташкил қилинади, янги имкониятлар яратилади.

Демак, инновация – бу инсоният ривожланиши ва тараққиётининг нафақат иқтисодий нуқтаи назаридан, балки ақлий, интеллектуал нуқтаи назари бўйича ҳам ривожланиш мажмуидир. Инновация – бу интеллектуал меҳнат маҳсулоти бўлиб, цивилизацияни ривожланишига янги ҳисса қўшади.


**Инновацион имконият ёки қувват** – бу объект инновацион тараққиётининг охири чегарасидир. Давлатнинг инновацион имкониятини аниқлашни уч хил усул билан амалга ошириш мумкин:

✦ **худудий** (регионнинг инновацион имкониятининг ўртача солиштирама кўрсаткичи);

✦ **таркибий** (хўжалик юритиш тармоғининг инновацион имкониятини ўртача солиштирама кўрсаткичи);

ижтимоий (халқ инновацион имкониятининг ўртача солиштирма кўрсаткичи)<sup>4</sup>.

Ушбу усулларга таянган ҳолда макон ва замонда инновацион имкониятни қуйидаги турларга ажратиш мумкин (2-чизмага қаранг).



**2-чизма. Иновацион имкониятни иқтисодий категория сифатида таснифи**

<sup>4</sup> Глушков И.Е., Киселева Т.В. «Бухгалтерский (налоговый, финансовый, управленческий) учёт на современном предприятии». Москва. 2004 год. 2 том. 137бет.

**Халқнинг инновацион имконияти** жамиятнинг илмий салоҳияти ва илмий йўналишини ифодалайди, бу ўз навбатида уни минталетети, ривожланиш тарихи, ижтимоий ва сиёсий аспектларга боғлиқдир.

**Регионал инновацион имконияти** маълум бир регионнинг ривожланиш чегарасини имкониятларини аниқлайди. Ушбу кўрсаткич территориал-худуднинг инновацион имкониятига киради, лекин давлатни регионал инновацион сиёсатини белгилашда, уни ташкил этишда муҳим асос бўлади.

**Фаннинг инновацион имконияти** бу илмий шароитни, илмий муҳитни янгиликлар ва ихтиролар яратиш қобилияти қандай эканлиги билан белгиланади.


**Тармоқни инновацион имконияти** бу уни ташкил қилган корхоналарнинг ўртача инновацион имкониятлари даражаси билан белгиланади.

**Ишлаб чиқаришнинг инновацион имконияти** ишлаб чиқаришни техник ва технологик имкониятлари чегарасини белгилайдиган кўрсаткичдир. Ишлаб чиқариш жараёнида инновация фақат агарда ишлаб чиқариш инновацион имконияти талаб даражасига мос келганда, талаб қилинганда қўлланиши мумкин. Тескари ҳолда (акс ҳолда) корxonани инновацион имконияти даражасини кўтариш учун қайта жиҳозлаш, ускуналарни янгилаш лозим бўлади.

**Корxonанинг инновацион имконияти**, бу ишлаб чиқаришнинг инновацион имкониятлари даражасига боғлиқ бўлади, лекин корxonани бошқа бўлинмалари инновация имкониятлари билан оширилади.

Инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновация маҳсулоти (технология) ҳисобланади. Инновация маҳсулоти (технологияси) ўзининг ҳажми билан фарқланади, у янги технологияни жорий этилиши эвазига корxона ишлаб чиқариш имкониятларини ўсишини ифодаловчи кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Инновацион фаолият ўз ичига маълум босқичли жараёнларни олади. Ушбу босқичли жараёнлар ўртасидаги боғлиқликни куйидагича ифодалаш мумкин (3-чизмага қаранг).



3-чизма. Инновацион фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар

Инновацион фаолиятни мазмун ва моҳиятига, пиروвард олинадиган натижасига кўра корхоналар томонидан олиб бориладиган ички инвестиция фаолиятининг таркибий қисми, яъни унинг бир бўлаги деб ҳисоблаш мумкин. Ички инвестиция фаолияти инновацион фаолиятдан ташқари капитал қурилиш, янги техника ва технологияларни сотиб олиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, кенгайтириш, реконструкция қилиш каби ишларни ҳам бевосита ўз ичига олади. Демак, ички инвестицион фаолият инновацион фаолиятга нисбатан мазмунан кенг тушунча ҳисобланади. Инновацион фаолиятга сарфланган маблағлар жами капитал инвестициянинг янги ғоя, ишланмалар, жараёнлар, маҳсулот, хизмат турларини яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга тааллуқли бўлган қисмидир.

Шундай қилиб, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, инновацион фаолият макон ва замонда юз берган ва бераётган, ўзининг моддий ва

номоддий кўринишдаги ҳамда пулда баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-харажатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури ҳисобланади. Айнан шу мазмунда корхоналарнинг инновацион фаолияти уларда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби ҳамда ўтказиладиган аудит предметини ташкил қилувчи объектлардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инновация ва илмий техника соҳасидаги сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобат бардошликни оширишга таъсир этувчи, инновация ва илмий-техника тараққийини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий шароитларини юзага чиқариш. Давлатни иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва саноат корхоналарини технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг асосий инструментлари-бу давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишдир.

Мазкур дастурнинг мақсадлари қуйидаги йўналишларни олади:

1. Натижалари ўрта муддатли шароитларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берувчи, илмий ва технологик инновацияларни давлат томонидан ташкиллаштириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

2. Илмий-техника тадқиқотлари - амалий-техник тадқиқотлар технологиялар-рақобатбардош маҳсулотни саноат ишлаб чиқариш циклини узлуксизлигини таъминлаш.

3. Дастур доирасида ишлаб чиқилган ва ўзлаштириладиган, прогрессив, ресурсларни тежайдиган инновацион технологиялар бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга ҳамкорлик қилиш.

4. Илмий инновация ва саноат соҳаларида янги иш ўринларини яратиш. Давлатнинг Фан-техника тараққийини тартибга солиш соҳасидаги тартибга солиш тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олиши зарур:

- давлат сиёсатининг аниқ белигиланган мақсадларини;  
- белгиланган мақсадларни амалга оширадиган бошқарув органлари ва уларнинг функциялари;

- бошқарув функцияларини тулиқ амалга оширишда тартибга солиш объекти ва ахборот берадиган ахборот тизими;

- давлат бошқарув органларининг қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш инструментлари - давлатнинг Фан-техника тараққитини тартибга солишнинг асосий инструментларига нафақат унинг элементлари тааллуқли бўлади, балки давлатнинг илмий имтиёзлар тизимида мувофиқ, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари ресурсларни тақсимлаш орқали илмий техника янгиликларини давлат томонидан тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш;

- инновацион жараёнларнинг субъектларига турли хил имтиёзларни тақдим этиш (ҳам инновацияларни амалга ошираётган бевосита тадбиркорларга, ҳам уларни ёки бу даражада қўллаб-қувватлаётган инфратузилма элементларига);

-иқтисодиётда инновацион муҳитни шакллантириш ва илмий техник ахборотлар миллий хизматини, патентлаш ва лицензиялаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, статистика, хорижий тажрибани ўрганувчи тахлилий марказлар, илмий техник ривожланаши прогнозлаштирувчи кадрларни тайёрлаш кабиларни ўз ичига олувчи тадқиқотлар ва ишланмалар таъминоти инфратузилмаси ҳамда улар асосида қарор қабул қилувчи шахсларни устувор илмий, миллий тизимлар билан таъминлашдан иборат.

## **1.2. Инновацион фаолият аудитининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил қилишга қўйиладиган талаблар**

Аудит макон ва замонда юз берган ва бераётган инновацион фаолият тўғрисида ҳисоб маълумотларини реаллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Инновацион фаолият аудитининг асосий мақсади бўлиб ушбу фаолият ва унга оид операцияларнинг қонуний амалга оширилганлиги, тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини

келтириши, маълум сарф харажатларни талаб этишлиги, қилинган сарф харажатларнинг олинган даромадлар билан таққослашнинг мумкинлиги, маълум рискдан холи эмаслиги ҳисобланади. Инновацион фаолиятни махсус фаолият сифатида тан олиш негизида ётувчи ушбу барча талабларга жавоб бера олишлигини қуйидагиларда кўриш мумкин.

**Биринчидан**, инновацион фаолият аниқ макон ва замонда амалга оширилади. Унинг макони бўлиб, турли мақомдаги, турли тармоқ ва соҳаларга кирувчи, турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона ва муассасалар ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг замони бўлиб ҳисобот даврлари (ой, чорак, йил) ҳисобланади.

**Иккинчидан**, инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновацион маҳсулот ҳисобланади. **Инновацион маҳсулот** деганда инновацион фаолиятни олиб бориш натижасида олинган моддий ёки номоддий мулк тушунилади. Моддий мулк шаклида олинган инновацион маҳсулот бўлиб янги техника, янги маҳсулот, янги товар ҳисобланиши мумкин. Номоддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот бўлиб янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янги дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалар ҳисобланади.

**Учинчидан**, инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлган инновацион маҳсулотлар (янги техника ва технологиялар, янги маҳсулотлар ва товарларнинг намуналари, лойиҳалар, илмий ғоялар ва бошқалар) келгусида улардан фойдаланишда, табиий равишда, иқтисодий наф келтиради, яъни улар корхоналарнинг келгусида иқтисодий ресурсларини кўпайишига, бу ресурслардан фойдаланиш ва уларни сотиш эвазига оладиган фойдасини кўпайишига имкон беради.

**Тўртинчидан**, ҳар қандай фаолият сингари инновацион фаолият ҳам маълум миқдордаги сарф-харажатларни талаб қилади. Чунончи, янги маҳсулотни яратиш учун материал харажатлари, меҳнат харажатлари ва бошқа турдаги харажатлар қилинади. Инновацион маҳсулотларни яратишга сарфланган харажатлар биргаликда уларнинг таннархини ташкил этади.

ёки методларни яратиш борасида олинган янги билимлар ҳамда амалий кўникмаларни янада такомиллаштириш имконини беради<sup>5</sup>.

Инновацион фаолиятнинг турли шакллари мавжуд. Чунончи, бу фаолиятни корхоналар ўз кучи билан ёки махсус илмий (илмий-тадқиқот), илмий-техник, тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланувчи муассасаларни бевосита жалб этиш йўли билан, шунингдек биргаликда ўзаро ҳамкорлик йўли билан олиб боришлари мумкин.

Корхоналар инновацион фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар хилма-хилдир. Уларни қуйидаги иккита гуруҳга ажратиш мумкин (4-чизмага қаранг).



**4-чизма. Корхоналар инновацион фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар**

<sup>5</sup> Уразов К.Б., Мардонов М.Ш. «Инновацион фаолиятнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи» Самарқанд. СамИСИ «Иқтидорли ёшлар – келажак бунёдкорлари» илмий анжумани 2009й.

Аудиторлар корхоналар инновацион фаолияти текшируви натижаларини ушбу ахборот фойдаланувчиларга шартнома шартлари кўра такдим этишлари лозим.

Инновацион фаолият аудити аудиторлардан уларга оид маълумотларни бошланғич ҳужжатлардан тортиб, то баланс ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларида ўзаро мос равишда акс эттирилганлигига тўлиқ амин бўлишликни, бунинг учун жорий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини тўлиқ ўзаро мувофиқлигини обдон текширишни талаб қилади.

Корхоналар инновацион фаолияти буйича аудиторларнинг олдига қуйилаётган ушбу ва бошқа вазифаларнинг тулик ва сифатли бажарилиши шу фаолият бўйича аудит режаси мавжудлигига ҳамда уни ўтказиш кетма-кетлигини тўғри белгиланганлигига бевосита боғлиқ. Шу боис, қуйида ушбу масалаларга батафсил тўхталамиз.

### **1.3. Инновацион фаолият аудитининг режаси ва умумий модули**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти аудитини режалаштириш тартиби республикамызда 3-сон АФМС «*Аудитни режалаштириш*»<sup>6</sup> билан белгиланган. Ушбу стандартда белгиланган тартиб-қоидалар бевосита инновацион фаолият аудитини режалаштиришга ҳам тааллуқлидир. Қуйида ушбу стандартни инновацион фаолият аудитини режалаштиришда қўллаш хусусиятларига қисқача тўхталамиз.

Маълумки, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик ташкилоти билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида шартнома тузилгунга қадар бошланади. Бу ҳолат кўп ҳолларда, агар миждоз билан шартнома тузилмаса, аудитни режалаштириш билан боғлиқ харажатлар қайси манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги саволни юзага келтиради.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Аудит миллий андозаси 3-сон афмс «Аудитни режалаштириш». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 14.07.1999 й. п. 54.

Кейинчалик шартнома тузилган ҳолда аудитни дастлабки режалаштиришга доир ишлар қиймати ўтказиладиган аудиторлик хизматининг умумий қийматига қўшилади, акс ҳолда у аудиторлик ташкилотининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим. Режалаштириш аудиторлик текширувини бошланғич босқичи бўлиб, аудиторлар режа тузулгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари лозим. Ушбу талаблардан келиб чиқиб, инновацион фаолият аудитини режалаштиришни куйидаги босқичларга бўлиш лозим:

а) инновацион фаолият аудитини дастлабки режалаштириш;

б) инновацион фаолият аудитининг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш;

в) инновацион фаолият аудит дастурини тузиш.

Инновацион фаолият аудитини режалаштириш аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан аудит ўтказишнинг умумий тамойиллари каби, хусусий тамойилларига ҳам мувофиқ амалга оширилиши лозим. Улар:

• *уйғунлик (комплекслик)*;

• *узлуксизлик*,

• *мақбуллик*.

*Уйғунлик тамойили* инновацион фаолият аудитининг дастлабки режасини тузишдан тортиб, то умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлашни назарда тутди.

Инновацион фаолият аудитини режалаштиришнинг *узлуксизлик тамойили* текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар буйича боғлиқлигида ифодаланади.

Инновацион фаолият аудитини режалаштиришнинг *мақбуллик тамойили* шундан иборатки, режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти узи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

1-жадвал

«Келишилган» «Тасдиқлайман»

Корхона раҳбари

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

«\_\_»\_\_ 20\_\_ й. «\_\_»\_\_ 20\_\_ й.

### Инновацион фаолият аудитининг умумий режаси

Текширилаётган корхона – «Мароқанд - Парранда» қўшма корxonаси  
Аудит даври 2009 йил 1 январдан 31 декабргача  
Одам-соат миқдори 48 соат (2 киши \* 24 соат )  
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари Азизов И.С.  
Аудиторлик гуруҳининг таркиби Азизов И.С., Камолов К.Т.  
Режалаштирилган аудиторлик таваккалчилиги 5%  
Режалаштирилган аудиторлик аҳамиятлилиги 100 000 сум.

№	Режалаштирилган ишлар тури	Ўтказиш даври (соатларда)	Ижрочи
1	2	3	4
1	Инновацион фаолият бўлинмаларини текшириш	5	Азизов И.С.
2	Инновацион махсулотлар таннархини текшириш	8	Азизов И.С.
3	Инновацион махсулотларни актив сифатида тан олинганлиги ва кириш қилинганлигини текшириш	3	Азизов И.С. Камолов К.Т.
4	Инновацион фаолиятга доир сарфлар харажатлар сифатида тан олинганлигини текшириш	2	Азизов И.С. Камолов К.Т.
5	Инновацион фаолият тўғри солиққа тортилганлигини текшириш	3	Азизов И.С. Камолов К.Т.
6	Инновацион фаолият аудити текшируви натижаларини умумлаштириш ва уларни аудиторлик хисоботига киритиш	2	Азизов И.С. Камолов К.Т.
7	Инновацион фаолият бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш	1	Азизов И.С. Камолов К.Т.
	Жами	24 соат (ёки 3 кун)	

Аудиторлик гуруҳининг раҳбари: Азизов И.С.

Таъкидлаш жоизки, 3-сон АФМС ва адабиётларда аудитнинг умумий режаси келтирилган. Бироқ, инновацион фаолият аудитининг хусусий режаси


махсус кўрсатилмаган. Изланишлар аудиторлик ташкилотлари томонидан тузилган корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти аудити режаларида ҳам инновацион фаолият аудити масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги кўрсатмоқда. Шу боис, изланишлар асосида 3-сон АФМС ҳамда юқорида таъкидланган тамойилларга таянилган ҳолда корхоналар инновацион фаолияти аудитининг хусусий режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, биз томонимиздан ишлаб чиқилган аудит режасига корxonанинг инновацион фаолиятини юритишга ихтисослашган бўлимлар фаолияти билан танишиш, инновацион маҳсулотлар таннархини текшириш, уларни актив сифатида тан олинганлиги ва кирим қилинганлигини текшириш, инновацион фаолиятга доир сарфларни харажатлар сифатида тан олинганлигини текшириш, инновацион фаолиятнинг тўғри солиққа тортилганлигини текшириш, аудит текшируви натижаларини умумлаштириш ва уларни аудиторлик ҳисоботига киритиш, инновацион фаолият бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари реаллиги тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш каби аудиторлар томонидан бажариладиган асосий ишлар киритилган. Шунингдек, бажариладиган ишларга кетадиган вақт миқдори соатларда кўрсатилган.

Аудит режасига кирилган ишлар мазмуни ва уларни бир-бирига мантқан боғлиқлигига қараб, инновацион фаолият аудити кетма-кетлиги модулини қуйидаги блок-схема кўринишида ифодалаш мумкин (5-чизмага қаранг).

Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун ҳамда стандартларга мувофиқ корхоналар хўжалик фаолияти ва уларнинг мулкӣ ва молиявий ҳолати кўрсаткичлари ёппасига ҳамда танлаб текширилади. Корхоналар инновацион фаолиятини, бир томондан, маблағлар сарфи, иккинчи томондан эса, уларни актив ёки харажат сифатида тан олинishi, бу фаолият маҳсулотларини келгусида наф келтириши ёки наф келтирмаслигини эътиборга олган ҳолда танлаб текшириш мақсадга мувофиқ эмас. Фикримизча, ушбу фаолиятга

доир барча объектлар (саволлар) тўлиқ, ёппасига текширилиши мақсадга мувофиқ.



**5-чизма. Иновацион фаолият аудити кетма-кетлиги модулининг**

**блок-схемаси**

Бизнингча, корхоналар инновацион фаолияти аудитини юқорида келтирилган режа ҳамда кетма-кетлик модули асосида амалга ошириш, уни ёппасига текшириш аудит текширувини самарали ўтказишга ҳамда аудиторлик рискини белгиланган миқдордан ошиб кетмаслигига имкон беради.

Ушбу маълумотларга кўшимча равишда аудитор инновацион фаолият ҳисобини текширувига оид саволнома ҳам тузади. Бунинг натижасида аудит текширувини янада тартибли ўтказиш инновацион фаолиятнинг барча элементларини текшириш имкони юзага келади. (2-жадвал)

## Иновацион фаолият ҳисобини текширувига оид саволнома

Текшириладиган объект	Жавоб		Эслатма
	Ҳа	Йўқ	
<p>I. Ташкилий – техник</p> <p>1. Ҳисоб юритишнинг ташкилий шакли қандай?</p> <p>а) бош бухгалтер бошқарадиган таркибий булинма.</p> <p>б) штатдаги бухгалтер лавозими</p> <p>в) ихтисослаштирилган ташкилот билан тузилган шартнома асосида.</p> <p>г) ҳисоб раҳбар томонидан юритилади</p>			
<p>2. Тасдиқланганми?</p> <p>Бухгалтерия тўғрисида Низом.</p> <p>Хизмат вазифалари руйхати</p>			
<p>3. Қулланиладиган бухгалтерия ҳисоби шакли:</p> <p>журнал-ордер шакли.</p> <p>Мемориал-ордер шакли</p> <p>Соддалаштирилган ҳисоб тизими.</p> <p>Компьютерлаштирилган.</p>			
<p>4. Ишчи счётлар режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланганми?</p>			
<p>5. Ҳужжатлар айланиш кондалари ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологияси:</p> <p>Дастлабки ҳужжатларнинг унификацияланган шакларини куллаш.</p> <p>Намунавий шакллари мавжуд бўлмаган дастлабки ҳужжатлар шаклларини тасдиқлаш.</p> <p>Бошланғич ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга шахслар руйхатини тасдиқлаш.</p> <p>Ҳужжатлар айланиш режа графигини тасдиқлаш.</p> <p>Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда ҳужжатлар жилдларининг руйхатини ишлаб чиқиш.</p> <p>Ҳужжатларни сақлаш учун масъул шахсларни аниқлаш.</p>			
<p>6. Ҳисобот хажми, тақдим қилиш муддатлари ва манзилгоҳи:</p> <p>ҳисоботни бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатларда белгиланган хажм ва муддатларда тузиш.</p> <p>Йиллик молиявий ҳисоботни тақдим қилиш:</p> <p>а) солиқ органларига;</p> <p>б) корхона таъсисчиларига;</p> <p>в) давлат статистика органларига;</p> <p>г) конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга;</p>			

7. Аудиторлик ташкилоти билан узаро муносабатлар тизими.			
8. Доимий фаолият курсатадиган комиссия таркибини тузиш: Номоддий активлардан фойдаланиш муддатларини белгилаш учун; Асосий воситаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва яроксизлигини аниқлаш учун.			
9. Ҳисобдор шахслар руйхати ва бунақ ҳисоботларини тақдим қилиш муддатларини тасдиқлаш.			
10. Вакиллик ҳаражатлари сметасини тасдиқлаш			
<b>II. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари.</b>			
1. Асосий ва айланма маблағлар ўртасидаги қиймат чегарасини белгилаш.			
2. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари:			
3. Асосий воситаларни таъмирлашни ҳисобга олиш тартиби: Таъмирлаш меъёрига қараб.			
4. Асосий воситаларни қайта баҳолаш			
5. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби:			
6. Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларга эскириш ҳисоблаш тартиби:			
7. Материалларни сотиб олиш ва тайёрлашни ҳисобга олиш тартиби:			
8. Ишлаб чиқаришга берилган материалларни ҳисобдан учиритиш усуллари: ҳар бир бирлигининг таннархи бўйича. Ўртача таннарх бўйича (AVECO). Моддий ишлаб чиқариш захираларининг биринчи сотиб олинган таннархи бўйича навбати билан (FIFO)			
9. Товарларни тайёрлаш ва омборга ташиб келтириш сарфларини ҳисобга олиш: товарларни тайёрлаш ва ташиб келтириш ҳаражатлари муомала сарфлари таркибида (9411 саклаш ва ташиш ҳаражатлари счёти) «Транспорт ҳаражатлари» моддаси бўйича; Омбордаги товарлар қолдигига туғри келадиган муомала сарфларининг суммаси транспорт ҳаражатларининг ўртача фоизи бўйича			
10. Ҳаражатларни ва муомала сарфларини ҳисобга олиш услуби: Инновацион маҳсулотлар таннаrxини шакллантирадиган ҳаражатларни ҳисобга олиш (3120,2010,2310,2510) баланс счётларида амалга оширилади.			

тулик бўлмаган ишлаб чиқариш таннархи.			
12. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ва ҳисобдан учирини тартиби.			
13. Келгуси давр сарфларини ҳисобдан учирини тартиби: бир текисда; маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда.			
14. Бошқарув ва тижорат сарфларини тан олиш тартиби: ҳисобот йилида улар тулик тан олинади. Сотилган ва сотилмаган товарлар (маҳсулотлар) ўртасида тақсимланади.			
15. Келгуси давр сарфлари ва туловлари учун резервлар яратиш тартиби.			
16. Фойдани тақсимлаш ва ишлатишни ҳисобга олиш вариантлари: Корхона махсус мақсадлар учун мулжалланган фондлар ташкил қилмайди. соф фойда фондларга тақсимланади.			
Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобдан учирини тартиби:			
III. Ҳисоб сиёсатининг солиққа тортишга доир жихатлари.			
1. Корхонада даромадни тан олиш тартиби: пул маблағларининг корхона ҳисоб-китоб счётига ёки кассасига келиш меъёрига қараб (касса усули) ҳақиқатан маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотиш ва ҳаридорларга ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим қилиш меъёрига қараб (ҳисоблаш усули)			
IV. Ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) билан танишини тартиби:			

Бундай тартибда тест синови ўтказиш аудиторга энг аввало, ҳисоб сиёсатининг қайси жихатлари тулик ёритилмаганлиги ва қамраб олинмаганлиги тўғрисида хулоса қилишга ёрдам беради.

## **2.Боб. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ҲИСОБИНИ АУДИТНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ СИФАТИДАГИ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифи ва таркиби**

Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифлаш асослари махсус меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Улар адабиётларда ҳам аниқ ўз аксини топмаган.

Фикримизча, инновацион фаолиятга доир харажатларни таснифлаш негизига бу фаолиятни хўжалик юритувчи субъект учун асосий ёки асосий бўлмаган фаолият эканлигини асос қилиб олиш лозим. Айнан шундай ёндашиш инновацион фаолиятга доир харажатларни бухгалтерия ҳисобида дастлабки ҳужжатларга асосан ўз вақтида тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида ушбу фаолият натижаларини тўғри акс эттиришга қулайлик яратади.

Асосий фаолияти бевосита инновацион фаолиятдан иборат бўлган илмий тадқиқот муассасалари (институтлар, тажриба конструкторлик марказлари, бюrolари)да ушбу фаолиятга доир харажатларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

#### *1.Инновацион маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар:*

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар (давр харажатида ташқари).

*2.Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, давр харажатларида ҳисобга олинмайдиган асосий фаолиятдан олинган фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар:*

- а) сотиш харажатлар;
- б) бошқарув харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

3. Хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки кўрилган зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти буйича харажатлари:

- а) фоизлар буйича сарфлар;
- б) хорижий валюта муомалалари буйича салбий курс тафовутлари;
- в) қимматли қоғозларга қуйилган маблағларни қайта баҳолаш;
- г) молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда) дан олинган солиқ тулангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда инновацион фаолияти асосий фаолият бўлган корхоналар учун харажатлар таркибини тартибга солиб турувчи махсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Бу турдаги корхоналар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз харажатларини гуруҳлашда ҳақозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га асосланмоқдалар. Бироқ, ушбу низомда харажатларнинг таркибини белгилаш буйича келтирилган тартиб инновацион фаолият асосий фаолияти бўлган муассасаларнинг хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди. Шу боис, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» асосида биз инновацион фаолият асосий фаолияти бўлган корхоналар учун махсус «Инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар харажатларининг таркиби тўғрисида Низом»нинг лойиҳасини ишлаб чиқдик. Ушбу Низом лойиҳаси 1-иловада келтирилган.

Инновацион фаолият асосий фаолияти бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар инновацион фаолиятга доир харажатларини қуйидаги мезонга асосан таснифлаш лозим, деб ўйлаймиз.

**Биринчидан,** инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланмайди. Мазмуни ва характерига кўра инновацион маҳсулотга сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннархига киритилмайди, демак бу харажатлар ишлаб чиқариш таннархини акс эттирувчи 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олинмайди.

**Иккинчидан,** Инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар шу даврнинг ўзида эмас, балким келгуси даврда самара бериши, яъни даромад келтириши мумкин, аксинча сарфланган харажатлар келгуси даврларда ҳам самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳисобот даврларда инновацион маҳсулотларга қилинган сарф харажатларни то улар иқтисодий самара бергунларига қадар 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Учинчидан,** Инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар келгусида эришилган натижаларга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг активи ёки давр харажати сифатида тан олиниши мумкин. Биринчи ҳолда 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида жамланган харажатлар олинган натижанинг турига кўра у ёки бу активи акс эттиришга мўлжалланган бухгалтерия счётига ўтказилиши ва шу ҳисобда ҳисобдан чиқарилиши лозим.


## **2.2. Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш ва улар харакатига доир операцияларнинг ҳисоби**

Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш учун энг аввало инновацион фаолиятдан эришил мумкин бўлган натижани аниқ билиш лозим. Бундай натижалар бўлиб, одатда, капиталлашадиган инновация ёки капиталлашмайдиган инновация ҳисобланади ( 6 -чизмага қаранг).

**Капиталлашадиган инновация** – инновацион фаолият билан шуғулланиш натижасида яратилган моддий ёки номоддий кўринишдаги активлардир. Капиталлашадиган инновация ўз навбатида иккига бўлинади:

- Моддий кўринишдаги капиталлашадиган инновация

• Номоддий актив кўринишида капиталлашадиган инновация



6-чизма. Иновацион фаолиятнинг привод натижасининг умумий кўриниши

**Капиталлашмайдиган инновация** – инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар, актив деб ҳисоблаш талабларига жавоб берганлиги туфайли бу харажатлар, хўжалик юритувчи субъект, ана шу харажатлар натижасида,

келгусида иқтисодий наф олишини аниқлаш учун етарли бўлмагани сабабли, актив деб тан олиш мезонларига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, инновацион фаолиятга қилинган харажатлар, мазкур харажатлар амалга оширилган даврдаги харажатлар деб эътироф этилади ва кейинги даврда актив деб тан олинмайди.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини жадаллаштириш учун жорий этиш босқичининг аҳамияти бир қатор омилларга боғлиқ. Ана шундай омиллардан бири жорий этиш – мураккаб, қимматга тушадиган ва узоқ вақт давом этадиган жараённинг энг охириги босқичи эканлигидир. Инновацияларнинг корхона ва ташкилотларда энг мақбул муддатларда самарали жорий этиш босқичи ниҳоясига етганидан кейингина жамият бутун инновация жараёни мобайнида – фундаментал тадқиқотлардан бошлаб то моддий шакл касб этган янгиликлардан кенг қўламда фойдалангунча ўтган даврда қилинган харажатлардан реал фойда кўради, пировард натижага эга бўлади. Бундан ташқари, жамият жорий этилмай қолиб кетадиган илмий-тадқиқот ва тажриба - конструкторлик ишларига қилинадиган харажатлар туфайли катта зарар кўради.

Яна бир омил инновацияни жорий этиш умумий инновацион жараённинг энг муҳим қиммат турадиган ва узоқ давом этадиган пировард натижалар юзага чиқадиغان босқичигина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга энг қолақ ва заиф халқаси ҳам эканлиги билан боғлиқ.

Ҳамдустлик мамлакатларида шундай бир ҳолат вужудга келдики, бунда олимларнинг мақсади ўз ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий этиш эмас, балки тадқиқот мавзуларини бажариш, патент олиш, ҳисобот тайёрлаш ҳамда тадқиқот натижаларини эълон қилишдаш иборат бўлиб қолмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқарувчилар эскириб қолган эскириш аппаратидан фойдаланишни давом эттирмоқдалар ва прогрессив инновацияларни қидириб топиш ва ишга солиш учун зарур фаоллик кўрсатмаяптилар.

Яна бир омил шу билан боғлиқки, мазкур босқич расман тан олинмаган. Гўё инновация жараёнида бу босқич йўқдек. Иқтисодиёт

инновацион жиҳатдан муваффақият билан ривожланиши учун илмий тадқиқотларни бажариш ва инвестор топиш кифоя деган фикр ўрнашиб қолган.

Реал ҳаётда бундай босқич мавжуд. Аммо у олдиндан режа ва дстурлар ишлаб чиқмасдан, кўпинча стихияли тарзда, айрим ижрочиларнинг тажрибаси ва интуициясига боғлиқ ҳолда бажарилмоқда. Корхоналарнинг мутахассислари инновацияларни жорий этиш босқичидаги ишларни ташкил этиш борасидаги ўзига хос ва мураккаб вазифаларни бажаришга тайёрланмаган. Бу ишлар ўз мазмунига ва бажариш усуллариغا кўра лойиҳадаги ҳамма техника – иқтисодий кўрсаткичлар даражасига эришган, амал қилиб турган, нормал ишлаётган корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ишларидан мутлақо фарқ қилади.

Умумий инновацион жараёнга яна бир босқични жорий этишга тайёргарлик босқичини кўшиш керак. Жорий этиш босқичи каби тайёргарлик босқичи ҳам расман тан олиган эмас, ташкилий ва техникавий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. Бу босқичда инновацияларни самарали жорий этиш учун шароит яратадиган ҳамма ишлар бажарилиши, шу жумладан инновацияларга бўлган эҳтиёжлар аниқланиши, инновациялар қидирилиши, усуқуналарни тайёрлашга буюртмалар берилиши керак.

Инновацион фаолият билан шуғулладиган корхоналар кўпинча технологиялар, машина ва аппаратларни чет элдан сотиб оладилар ва уларни ўзларининг ишлаб чиқариш шароитларига мослаштирадилар. Бирок, кўпинча импорт қилинган янгиликлар маънавий жиҳатдан эскириб қолган бўлади, мавжуд ишлаб чиқариш жараёнига ҳамма вақт ҳам мос келавермайди ва инновацион ривожланишни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатмайди. Бундай шароитда мамлакатда амалга ошириладиган илмий тадқиқотларни рағбатлантириш ҳамда инновацияларни амалга ошириш механизмини яратиш- мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишидир.

Иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳамма бошқарув тузилмаларининг эътиборини инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш (ва жорий этишга тайёрлаш) босқичига, яъни жорий этиш ҳажмларини оширишга, инновацияларни жорий эhtiш муддатларини қисқартиришга ва самарадорлигини оширишга жамлаш зарур. Бу эса ушбу босқични инновация жараёнига киритшни ҳамда мазкур босқичларни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқишни, шунингдек бир қатор ташкилий – иқтисодий муаммоларни давлат даражасида ҳал қилишни тақозо этади.

Ғарб мамлакатларида компания ва фирмаларнинг инновацион фаолияти натижаларини баҳолаш учун маҳсулотнинг илмийлик даражаси юқори бўлишига муҳим аҳамият берилади. Маҳсулотнинг илмийлик даражаси илмий меҳнат сарфининг сотиш ҳажмига нисбати сифатида аниқланади. Бунда илмий меҳнат сарфи нисбати юқори бўлган компаниялар даромад солиғи бўйича чегирмалар олиб, уларни илмий тадқиқотларни молиялашга сарфлайди. Компания ва фирмаларда инновациялар яратиш, шу жумладан илмий фаолият билан саноат фаолиятини бирлаштириш ҳисобига яратиш мамлакатнинг асосий рақобатбардошлик омилли ҳисобланади. Инновация сиёсатини рағбатлантиришда давлат етакчи ролг ўйнайди. Бунга у новаторлик ишини тўғридан-тўри молиявий қўллаб-қувватлаш, амортизация ва солиқ чегирмалари бериш, илмий-техник кадрлар тайёрлашни субсидиялаш ва бошқа йўллар билан эришилади. У инновация бизнесининг аралаш тизими, яъни хусусий-давлат, ахборот инфратизими шаклланишига таъсир кўрсатади. Илмий парклар ташкил этилади, янги технологик стандартлари, кластер лойиҳалар, лойиҳаларни тижорат асосида амалга оширувчи минтақавий марказлар жорий этилади. Янги технологиялар, янги билимлардан фойдаланиш, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш жараёнини тезлаштириш учун ташкилий шарт- шароитлар таъминланади. Сўнги йилларда ғарбий мамлакатларининг илмий ва инновацион фаолиятидаги кооперациясини чуқурлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифа сўнги 60 йил вужудга келган 3 та стереотипни енгишдан иборат . Биринчи стереотип шундан иборатки, илмий техникавий ва инновацион жараёнда жорий этишга тайёрлаш босқичлари ҳамда унинг ишга тушириш-созлаш ишлари ва лойиҳадаги техника-иқтисодий кўрсаткичларни янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш каби поғоналар йўқ. Иккинчи стереотип шуни англатадики, янги коҳоналар фойдаланишга топширилгач, дарҳол лойиҳа тезлигида ва режимида лойиҳадаги таннарх ва фойда билан ишлай бошлайди. Учинчи стереотип шуки, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш фақат фан ютуқларига ва инвестициялар ҳажмига боғлиқ бўлади, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юқори даражада ташкил этилиши зарурлиги инкор этилади.

Жорий этиш инновацион ривожланишнинг энг асосий муакммосига айланмас экан, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг таъсирчан механизми ишлаб чиқилмас экан, корхоналарнинг менежерлари эса ишлаб чиқаришни самрали ва оммавий янгилашдан иқтисодий манфаатдор бўлмас эканлар, мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш тизимида ютуқларга эришилишидан умид қилмаса ҳам бўлади. ( 3 -жадвал)

3-жадвал  
**Ривожланган давлатларда инновацион фаолиятга йўналтириладиган реал харажатлар**


№	Давлатлар рейтинги	Инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар АҚШ доллари (млрд)	Инновацион фаолиятга сарфланган харажатларнинг давлат бюджетидаги улуши (%)
1	АҚШ	282	27
2	Япония	103	18
3	Хитой	59,8	40
4	Германия	53,9	
5	Россия		15

Ривожланган давлатларда ИТТКИга йўналтириладиган реал харажатлар ЯИМ нинг 2,5-3 фоизига етди. Халқаро экспертлар маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич бўйича мамлакатлар рейтингда АҚШ (282 млрд. АҚШ доллари), Япония (103 млрд. АҚШ доллари), Хитой (59,8 млрд. АҚШ доллари) ва Германия (53,9 млрд. АҚШ доллари) етакчилик қилмоқда. Бунда ИТТКИга йўналтириладиган харажатларнинг Хитойда 40%и, АҚШда 27%и, Японияда 18%и, Россияда 15%и давлат бюджети улушига тўғри келади. Бу эса юксак технологик ва рақобатбардош товарлар ҳамда хизматларнинг жаҳон бозорларидаги келажагини белгилаб беради.

Дунёнинг аксарият мамлакатлари бугунги кунда ўзларининг макроиктисодий ва институциявий муҳитларини турли инновацияларни қўллаш орқали такомиллаштиришга интиломоқдалар. Жаҳон амалиётида ҳам алоҳида алоҳида корхона ва тармоқларнинг, ҳам умуман мамлакат иктисодиётларининг инновациявий муҳитини таҳлил қилиш ва прогностлаштириш учун кўплаб интеграл индекслар мавжуд:

- Иктисодий яратувчанлик индекси, унинг таркибий қисмлари технологик индекс (глобал бозордаги технологик етакчилик ва янги технологияларни ўзлаштиришдаги шиддатлилик) ва ташаббуслар саналади;
- Инновациялар индекси, унинг ичига давлат ва хусусий тармоқнинг ИТТКИга харажатлари, муассасалар ва улардаги жиҳозлар сифати, венчур капитал олишнинг қулайлиги ва бизнес бошлашнинг осонлиги, инновацияларнинг асосланганлиги ва ИТТКИнинг саноат билан ҳамкорлиги киради;
- Технологияларни узатиш индекси, яъни хорижий технологияларни лицензиялаштиришдаги шиддатлилик.

Ривожланган давлатларда инновацион фаолиятга йўналтирилган  
реал харажатлар



Мамлакатларнинг ИГТКИ соҳасида кооперациянинг ривожланиш даражаси бўйича табақаланишига келсак, тадқиқотчилик кооперацияси (компаниялар ва университетлар ўртасида) ва технологик кооперация бўйича (фирмалар ўртасида) Финляндия етакчилик қилмоқда, ЕИ мамлакатлари орасида яхши кўрсаткичлар Швеция (4- ва 7- ўринлар), Нидерландия (5- ва 3- ўринлар), Германия (7- ва 6- ўринлар) ва Данияда (иккала кўрсаткич бўйича ҳам 8-ўрин). Илмталаб технологияларни ўзлаштиришда, инновациявий маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмларини оширишда муваффақиятларга эришган саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб, инновациявий соҳани ривожлантириш сиёсатини амалга оширишнинг Ўзбекистонда қўлланилиши мумкин бўлган қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

-“ўзлаштириш” стратегияси – мамлакатнинг ўз инновациявий салоҳиятини қўллаган ҳолда авваллари ривожланган саноатга эга мамлакатларда ишлаб чиқарилган илмталаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси;

-“кўчириб келтириш” стратегияси юксак самарали технологияларга лицензияларни сотиб олиш орқали мамлакат иқтисодиётида чет эл илмий-техник ва ишлаб чиқариш-технологик салоҳиятидан фойдаланиш асосида ташқи бозорларда харидоргир бўлган янги авлод маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий чоратadbирлар комплекси..

Республикада бозор ислохотлари чуқурлашувининг hozирги bosқичида иқтисодиётнинг реал тармоғида, мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконияти билан биргаликда, “кўчириб келтириш” стратегияси қисман қўлланилиш мумкин. Давлат тармоғининг табдикорлик билан оқилона уйғунлиги баъзи ҳолларда “ўзлаштириш” стратегиясининг асосий унсурларидан самарали фойдаланиш, илмталаб рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида инновациявий фаолиятни фаоллаштириш иконини беради.

Шу тариқа, иқтисодиёт инновацияланганлиги даражасини ошириш маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар товарларининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган иқтисодиётни инновациявий ривожлантириш давлат сиёсатини шакллантириш ташкил этади.

Бозор талаби таъсирида ИТТКИ етакчи давлатларда анча ривожланди. Замонавий изланишлар ва ишланмаларнинг ривожланишнинг характерли жиҳати ИТТКИ натижаларидан бир вақтда фойдаланишдир. Агар авваллари ишлаб чиқаришнинг асосий технологиялари кетма-кет ривожланган бўлса, бугунги кунда муҳим технологиялар (микроэлектроника, уяли алоқа интернет, биотехнология) бир вақтда ривожланамоқда. Улар бир-бирини тўлдириши мумкин ва натижада бозор потенциалига эга янги илмий йўналиш юзага келади (масалан, микроэлектроника ва механика, оптика ва биотехнология).

Эришилган ютуқларнинг аста-секин йиғилиши ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг эволюцион яхшиланишига олиб келади ёки фан ва техниканинг алоҳида янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва янги бозорларда ўз ўрнига эга бўлиш учун капиталини экспорт килади. Янги товарлар

ишлаб чиқаришга қаратилган бевосита капитал қўйилмалар фирмага чет эллик рақобатчилардан ўзини имконини беради ва ўз лицензиясини сотиш орқали бошқалардан устунликка эга бўлади.

Маҳсулот рақобатбардошлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришда юзага келади ва изланишлар ҳамда ишланмалар босқичида шаклланади. Булар илмий-техник кадрлар сифатида юзага келиб, патентлар орқали ҳимоя қилинади. Кейинчилик эса, патент асосида муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинади ва янги маҳсулот ишлаб чиқарилади ёки лицензияни сотиб олган компания ҳам ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариши мумкин. Шундай қилиб компанияларнинг бозордаги рақобатчилиги юзага келадиган босқич илмий-техник рақобат деб аталади. Унинг моҳияти қўшимча фойда келтирадиган илмий-техник ресурсларга эгаллик қилишга бўлган рақобат курашида. Бу ресурсларга эгалликнинг бир қисми конун асосида ҳимоя қилинади (патент, лицензия, тижорат сирлари).

Корхонанинг маълум даражада инновация соҳасида шаклланганлиги туфайли технологик ва рақобат бардошлик даражаси ошиб борган. Шунинг хисобга олган ҳолда, ҳозирги замон шароитида корхона инновация фаолиятида ушбу жараённи ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаб олиши зарур. Бу эса корхонанинг ҳар бир тармоғини ва ҳар бир йўналишини инновация жараёнини самарадорлиги нуқтаи назаридан чуқур ўрганиш, шунингдек, корхона тармоқларининг инновация учун қулайлигини батафсил кўриб чиқишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион жараёнлар:

- ишлаб чиқариш сифатини, меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш йўли билан даромад (фойда) олишни оқилона ташкил этишга, бузилиш жараёнларини бартараф қилиш ва ишлаб чиқаришни экологизациялаш;
- энергия ресурслари сарфини пасайтириш;
- меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш;
- атроф – муҳитни, экологияни сақлаш ва яхшилашга йўналтирилиши керак.

Шу муносабат билан ишлаб чиқаришдаги инновация сиёсати ишлаб чиқариш усулларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, янги маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқаришда илмий асосланган системаларни яратишни белгилайди.

Ушбу иккита йўналиш бўйича муаммоларни, яъни илмий асосланган ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача бўлган жараёнларни қамраган инновация лойиҳаларини тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, инновация лойиҳаси доирасида айнан шундай комплекс ёндашув ишлаб чиқаришда соҳа тармоқлари иқтисодиётини юксалтириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришдаги инновация жараёнларини ривожлантиришда инновацияларни технологик ва илмий – техника гуруҳлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар ишлаб чиқаришни индустриализациялаш, уни механизациялаш, автоматлаштириш, модернизациялаш, механик жиҳатдан қайта қуроллантириш, илм – фан талаб қиладиган технологияларни ишлаб чиқаришда жорийкилиш билан узвий боғлиқдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши, бу йirik комплексларни ишлаб чиқариш, техник салоҳиятини тиклаш ва такомиллаштириш, янги замонавий машина ҳамда асбоб ускуналардан, робот - электрон техникасидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ва компютерлаштириш ёрдамида корхоналарда маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларни тежовчи, кўникувчан технологияларни жорий қилишдир.

Айтиб ўтиш жоизки инновацион фаолиятни ишлаб чиқариш фаолиятдан ажратиб турувчи тамойиллари бор:

1. Кўшимча харажатларга бўлган эҳтиёж. Одатда бу харажатлар анча катта бўлиб, фақатгина келажакда ўзини қоплаши мумкин. Шунингдек, бу харажатлар ҳар бир инновация учун алоҳида шаклга эга – уларнинг ҳажми, қопланиш тезлиги бир қанча объектив ва субъектив шароитларга боғлиқ.

2. Инновацияларга харажатлар ва улардан бўладиган самара кўп ҳолларда вақт бўйича ҳамда жой бўйича мос келмайди. Қандайдир янги бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ушбу маҳсулотни сотишни бошлаш билан қопланмай балки, кейинчалик вақт ўтиши билан қопланади. Инновациянинг ўзини қоплашини ҳисоблаш учун махсус усулдан – дисконтлашдан фойдаланилади.

3. Режалаштирилган натижаларга эришиш учун ноаниқликнинг, рискнинг мавжудлиги. Жаҳон тажрибасидан маълумки, меҳнатга ва воситаларга қилинган харажатларнинг асосий қисми фақатгина илмий изланиш учун қилинади ва маҳсулот ёки хизмат кўринишида реализация қилинмайди.

4. Омадли инновацияларнинг улуши жуда кичикдир, гарчи самарали инновациялар омадсиз инновацияларга қилинган харажатларни қопласа ҳам.

5. Анъанавий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар молиявий кўрсаткичларининг ёмонлашувининг олдини олиш учун алоҳида бюджет юритилиши.

6. Инновацион фаолиятда анъанавий фаолиятдан фарқланадиган баҳолаш критерияларидан фойдаланиш. Масалан, “фойданинг йиллик ўсиши” критерияси инновациялар учун тўри келмайди, чунки инновацион фаолиятдан одатда 3-4 йилларда фойда олинади ва бу фойда анча катта ҳажмада бўлади.

7. Барча эскирган воситаларнинг тизимли ва режали ликвидацияси ресурсларни янги фаолиятга йўналтиришга шароит яратиб беради.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби назариясига бағишланган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида инновацион фаолият ҳисоб объектлари таркибига киритилиши ҳамда уларда ушбу ҳисоб объектининг мазмуни, таъин олиниши, баҳоланиши ҳамда ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тамойиллари очиқ берилиши лозим.

Ҳозирги пайтда амалда бўлган 21-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га инновацион фаолиятга доир сарф-харажатлар ҳисобини юритиш учун мўлжалланган махсус счётни кўзда тутиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, корхоналар инновацион фаолиятининг мазмун-моҳиятидан, уни пировард натижа бериш ёки бермаслик эҳтимоли ҳамда келажакка йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ушбу фаолиятни жараён сифатида ҳамда унга қилинган сарф-харажатлар ҳисоби учун номи юқорида зикр этилган стандартга махсус 3120 «Инновацион фаолиятга доир харажатлар» счётини киритиш лозим. Ушбу счёт бўйича аналитик ҳисобни инновацион фаолиятнинг аниқ турларига қараб қуйидаги аналитик счётларда юритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- илмий (илмий-тадқиқот) ишлари;
- фундаментал илмий тадқиқотлар;
- амалий илмий тадқиқотлар;
- илмий-техник ишлар;
- экспериментал ишланмалар ва тажриба-конструкторлик ишлар.

Инновацион фаолиятнинг юқорида келтирилган турларига сарфланган харажатлар тавсия этилаётган 3120 «Инновацион фаолиятга доир харажатлар» счётининг дебетида ушбу фаолият олиб борилган давр мобайнида тўпланиб бориши лозим. Йиллар давомида олиб борилган, лекин ўз якунини топмаган инновация фаолиятга тегишли бўлган харажатлар ҳисобот йили охирида ушбу счётда қолдиқ сифатида акс эттирилиши ҳамда мос равишда бухгалтерия балансида кўрсатилиши керак.

Инновацион фаолият пировардида натижа бериши ёки бермаслиги мумкин. Бу фаолиятдан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пировардида инновацион маҳсулот олинади ёки у олинмасдан қолинади. Инновацион маҳсулотнинг олинishi инновацион фаолиятга қилинган сарф-харажатларни капиталлаштириш, яъни уларни у ёки бу турдаги актив сифатида тан олиш

нда корхона балансига кириш имконини беради. Ушбу маҳсулотга  
 гирилмаслик қилинган сарф-харажатларни зарар сифатида тан олинишига  
 ва корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси эвазига  
 ҳисобдан чиқарилишига олиб келади.

Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларни юқорида келтирилган  
 тартибда ҳисобдан чиқарилиши тавсия этилаётган 3120 «Инновацион  
 фаолиятга доир харажатлар» счётининг кредитида ва мос равишда тан  
 олинган якуний натижани ифодаловчи счётларнинг дебитида акс эттирилиши  
 лозим.

Шундай қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш устувор ҳисобланган  
 ҳозирги шароитда корхоналарнинг инновацион фаолиятини юритиш, унга  
 доир харажатлар ва бу фаолиятдан олинган пировард натижалар  
 ҳисобини қуйидаги методологик тартибда ҳисобга олишни мақсадга  
 мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

**Корхоналар инновацион фаолияти, унга доир харажатлар ва унинг  
 натижаларини счётларда акс эттириш тартиби (тавсия)**

№	Операция мазмуни	Корреспонденция ланувчи счётлар		Асос (гувоҳ берувчи ҳужжатлар)
		Дебет	Кредит	
1	Инновацион фаолиятга кетган материал харажатларига	3120	1010- 1090	Далолатномалар, материал ҳисоботлари
2	Инновацион фаолият билан шугулланувчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи харажатларига	3120	6710	Ҳисоб-тўлов қайдномалари
3	Инновацион фаолият билан шугулланувчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан ягона ижтимоий тўлов харажатларига	3120	6520	Ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
4	Инновацион фаолиятни юритишга доир меҳнат куруллари ва воситаларига ҳисобланган амортизация харажатларига	3120	0210- 0290	Ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
5	Инновацион фаолиятга доир бошқа харажатлар	3120	2300, 2500, 6010, 6910	Ҳисоб-китоблар, счёт-фактуралар, 10-журнал-ордер

6	Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларнинг капитал қурилиш таркибига киритилишига	0810	3120	Қарор, буйруқ, далолатнома, ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
7	Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларнинг реконструкция, кенгайтириш ва модернизациялашга доир капитал сарфлар таркибига киритилишига	0890	3120	Қарор, буйруқ, далолатнома, ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
8	Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларнинг асосий воситалар қийматига киритилишига	0110-0190	0890	Қарор, буйруқ, далолатнома, ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
9	Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларнинг номоддий активлар (лицензия, патент, ихтиро, лойиҳа, товар белгиси, савдо белгиси ва бошқалар) сифатида тан олинishiга	0410-0490	3120	Қарор, буйруқ, далолатнома, ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер
10	Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларнинг зарар сифатида тан олинishiга	9440	3120	Қарор, буйруқ, далолатнома, ҳисоб-китоб, 10-журнал-ордер

Фикримизча, корхоналар инновацион фаолияти ҳисобини юқорида изоҳи келтирилган методологик тартибда юритиш улар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантириш, ушбу фаолиятга қилинган сарф-харажатларни капиталлаштириш ёки ҳисобдан чиқарилишини тўғри амалга оширилганлиги устидан узлуксиз назоратни олиб бориш имконини беради.

### 2.3. Инновацион рискнинг ҳисоби

Инновацион фаолиятнинг бошқа фаолият турларидан алоҳида ажралиб турадиган хусусияти бу фаолиятда хавф ёки таваккалчиликнинг жуда юқорилиги ҳисобланади. Риск (ёки таваккалчилик) деб режалаштирилган натижадан ҳар қандай четланишга айтилади. Хавф ижобий ҳам, салбий ҳам

бўлиши мумкин. **Ижобий риск** – бу тадбиркор томонидан режалаштиргандан кўра кўпроқ фойда олиш. **Салбий риск** – йўқотишлар билан боғлиқ бўлиб, хоҳ у молиявий, хоҳ у ресурслар билан бўладиган режадагидан кўп бўлиши мумкин.

Инновацион фаолиятга таъсир қиладиган ташқи рискларга қуйидаги рискларни киритиш мумкин:

1.Классик риск. Бундай рисклар қуйидагиларни ўз ичига олади.

–ишлаб чиқаришни нерентабел бўлиши. Қўшимча харажатларга йўл қўйилиши ёки сотишдан қутилгандек фойда олмаслиги;

–бозор конъюнктурасини ўзгариш rischi. Талабни ўзгариши маҳсулот нархини пасайишига олиб келиши мумкин ёки маҳсулот сотилмай омборда қолиб кетиши мумкин, бу ҳоллар фойдани камайтиришга олиб келади;

–бозорда янада шунга ўхшаш рақобатбардош маҳсулотларни пайдо бўлиши хавфи. Жамиятни янги технологик даражага ўтиш давриларида ёки рақобатчиларни фаолияти илгарилаб, узиб кетиши ҳолларида шундай бўлиши мумкин;

–форс–мажор ҳолларида бизнесни талофатга учраши. Табиий ҳодисалар, техника, технология ҳалокатлари кабилар;

–иқтисодий пасайиш rischi. Инқироз хавфи ишсизлик, талабни тўов қобилиятини пасайиши, бу айниқса бозор конъюнктурасини ўзгариши билан ўзаро ўхшаш;

–ҳуқуқий риск. Янги ҳуқуқий нормаларни жорий қилиниши, тадбиркор фаолиятини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш кабилардир.

Юқоридаги рисклар инновацион фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда таъсир қиладилар. Инновацион фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган рисклар ҳам мавжуд. Бундай рискларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

–инновацион лойиҳаларни нотўғри танлаш rischi. Инновацион бозор потенциалини нотўғри баҳолаш натижасида, янгиликни илмий техникавий даражасини нотўғри баҳолаш натижасида компанияни обрўсига, корхона концепциясига инновацион лойиҳани мос келмаслиги;

–ўз ваъдасида турадиган содиқ инвесторни йўқлиги, топа олмаслик risks. Бу инвесторлар билан муносабатни ўзганда ёки улар бўлмаган ҳолда ёки инвесторларни инновацион лойиҳани амалга ошириш учун маблағи етишмаслиги холлари хавфи ҳам бўлади.

–инновацион лойиҳани етарлича маблағ билан таъминлай олмаслик risks. Ресурсларни чекланганлиги натижасида, ресурсларни етказиб берувчини йўқлиги; бу хавф камайиши мумкин, агарда бизнес – планда альтернатив ресурслар кўрсатиб ёзилган бўлса;

–бозор risks. Бу комплекс хатар бўлиб, инновацион маҳсулотини бозорда қабу қилинмаганида, тўлов қобилияти бўлажак талабгорларни топилмаслиги кабилар;

–самарали сотиш тармоғини мавжуд бўлмаслиги risks. Бундай хавф инноваторни сотиш системаси иш принципини нотўғри тасаввур қилиши, сотиш тоқчаларини нотўғри танланиши натижасида вужудга келади;

–рақобатчиларни пайдо бўлиш хавфи;

–инновацион ҳолатдан чиқиб кетиш хавфи. Жамиятда янги техноогик жараёнларга ўтиш даврида бу хатар юз бериши мумкин, чунки бу ҳолда инновацион лойиҳа харажати кўпайиб кетиши мумкин;

–ўз харажатини қоплаш нуқтасига етмаслик хавфи. Маҳсулот бозорга олиб чиқилганда талабгор бўлмаслиги ва етарлича фойда келтирмаслиги мумкин, бу жихатдан у инновацион ҳолатни бузиши – инновацион патологияга ўхшаб кетади (олдинги хатар);

–инновацион объектига бўлган ҳуқуқдан махрум бўлиб қолиш хавфи. Европа мамлакатлари хусусан Россия худудида ушбу хатар кўпроқ муҳим ҳисобланади, чунки интеллектуал мулк объектига эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича бир қанча қийинчиликлар мавжуд.

Инновацион маҳсулотлар билан боғлиқ фаолиятлар орасида энг самаралиси кичик бизнес ҳисобланади. Лекин кичик инновацион фаолият ўзининг юқори даражадаги банкротликка бўлган risks ва маблағларнинг

доим етишмаслиги билан ажралиб туради. Бу ҳолларда кичик инновацион компанияларнинг тирик қолиши учун ягона нажот давлат ёрдамидир.

Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш сиёсатининг пайдо бўлганига унча кўп вақт ўтмади. Биринчи марта 1966 йилда солиқ имтиёзлари япон компанияларига берилган эди. АҚШ да 1981 йилда жорий этилди. 80-90 йилларда бу сиёсат кўплаб ривожланган мамлакатларда қўлланила бошланди.

Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш бюджет субсидияларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга:

- Хусусий секторнинг мустақиллигини сақлайди ва унга ўз фаолият соҳасини танлашга имкон яратиб беради;

- Давлат ҳукумати доирасида камроқ бюрократик ишларни талаб этади. Йиллик бюджет жараёни билан боғлиқ бўлмайди ва турли органлар манфаатларини ҳисобга олиш, қонунчиликни қараб чиқишга зарурат йўқ;

- Психологик афзалликларга эга, яъни ишлаб чиқарувчи қанча ҳаракат қилса, шунча имтиёз бўлади ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам психологик афзалликка эга.

- Таҳлилларнинг кўрсатишича, инновацион жараён нафақат давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражаси, унинг миллий менталитети, маданияти(жумладан тадбиркорлик маданияти)га боғлиқ, балки давлатнинг инновацион фаолиятни қай даражада рағбатлантиришига ҳам боғлиқдир.

Бизнингча, инновацион фаолиятда ташкилий, иқтисодий ва молиявий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий назоратларни амалга оширилиши инновацион фаолиятнинг рискиннинг камайишига олиб келади.(5-жадвал)

## Инновацион фаолиятни назорат қилиш турлари ва усуллари

Назорат турлари	Назорат усуллари
Ташкилий	Инновацион инфратузилмани ривожлантириш, инновацион фаолият приоритетини аниқлаш, инновациялар муаллифларини маънавий рағбатлантириш, интеграцияни ривожлантириш, халқаро алоқаларни ривожлантириш.
Иқтисодий ва молиявий	Инновацион таклифни ошириш, инновацияга талабни кенгайтириш, инновацион соҳада рақобатни кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, инновацияга инвестицияларни ва уларнинг самарадорлигини ошириш, қулай инвестицион муҳит яратиш.
Меъёрий-ҳуқуқий	Инновацион фаолият объект ва субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инновацияларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Саноат, интеллектуал мулкларни ҳимоя қилиш, битимли муносабатларни ривожлантириш.

Ҳозирги кунда рақобатбардошликнинг бир неча омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сифат кўрсаткичлар;
- маркетинг кўрсаткичлари;
- тижорат кўрсаткичлари;
- гудвилл.

Сифат кўрсаткичларига маҳсулотнинг техник-иқтисодий параметрлари (капитал сифими, илмий, техник параметрлар, узок муддатлилиги, иқтисодлилиги ва бошқалар). Эргонолик параметрлар

(антропометрик, психологик ва гигиеник кўрсаткичлар), экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Маркетинг кўрсаткичлари маркетинг тадбирларининг самарали ўтказилишини англатади. Бугунги кунда компаниянинг омади унинг истеъмолчилар эҳтиёжини кондира олиши, талабни юзага келтира олиши ва бошқара олиши билан белгиланади.

Тижорат кўрсаткичлари компаниянинг тижорат фаолиятини англатиб, ўз ичига эгилувчан нарх сиёсатидан фойдаланиш ва кафолатдан кейинги хизматни ташкил этиш, фойдали битимлар туза олиш ва операцияларни ўтказишдаги аниқликни қамраб олади.

Рақобатбардошликнинг янги омили унинг имиджи бу гудвилл. Бу тушунчага фирманинг машғурлик даражаси, унинг интеллектуал мулкнинг хажми ва хусусияти киради. Юқоридаги 4 омилнинг ҳар бирида субъект фаолияти инновацион томонининг аҳамияти каттадир. Масалан, сифат тушунчаси маҳсулотнинг миллийлиги билан боғлиқ ва бу янги технологиялардан фойдаланишни талаб этади. Истеъмолчилар хоҳишининг ўзгариб туриши маҳсулот янги дизайнини яратишни, унга янги функционал хусусиятлар қўланиши, янги экологик стандартлардан фойдаланишини талаб этади. Янгиликларсиз маҳсулотнинг юқори сифати ҳақида гапириш қийин.

Маркетинг инновациялари ҳам компаниянинг бозорда етакчи бўлишида катта аҳамиятга эга. Инновацион компаниянинг имиджи ҳам инвесторларни ва истеъмолчиларни ўзига жалб этади.

Шундай қилиб, замонавий шароитда хужалик субъекти рақобатбардошлиги ва уларнинг инновацион фаолияти ўртасида боғлиқлик бор. Компаниялар фаолияти халқаро тусга кираётганлигини эътиборга олсак, инновативлик халқаро компанияларнинг рақобатбардошлигининг муҳим омиллидир.

Рақобатчилардан ўзишда янги омил бўлиб, янги маҳсулот ва хизматларни бозорга чиқариш ҳисобланади. Компаниялар тармоқларида "технологик ксалиш"ларни олиб келади. ИТТКИ

натижаларини доимий ҳисобга олишнинг муҳимлигини инглиз иқтисодчиси Певит айтиб ўтган ва технологик жамғармалар тушунчасини киритди. Бу тушунчага кўра, янги технологияни яратиш фирмада янги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва жорий этиш доирасида доимий, узлуксиз ўзгаришлар ва аниқлик киритишнинг занжири сифатида ўрганилади.

Аниқ тармоқдаги у ёки бу фирманинг технологик ривожланиш йўналиши, барча компаниялар учун хос белгилар билан ҳам, ихтисослашув омиллари билан ҳам белгиланади. Субъектив сабабларга кўра ҳар хил давлатларда илмий-техник ривожланиш ҳар хил темпда амалга ошади. Шун билан бирга "инновативлик" омили фақатгина етакчи технологияларни эгаллашни кўзда тутади. Бошқарув бўйича америкалик мутахассиснинг айтишича, "Инновацион жараёни бошқаришда етакчи технологияли фирмалар томондан чегаралайдиган ҳеч қандай мўжизавий ҳолат йўқ".

ИТТКИ нинг етакчи ғарб мамлакатларидаги йўналишларининг таҳлили шунини кўрсатдики, янги маҳсулот деганда кўпинча яхшиланган эски ёки бозорда куталаётган товарлар тушунилади. Ривожланган мамлакатларда 1970-1990 йилларда рўйхатга олинган янгиликларнинг 85-90 фоизи мавжуд товарларни такомиллаштириш ёки ишлаб чиқариш технологияларини янгилашга таълуқлидир. Фирмалар томонида кенг реклама қилинадиган ишлаб чиқаришнинг "яхшиланган" номенклатураси кўпинча ҳақиқатга мос келмайди, чунки ИТТКИ нинг асосий фаолияти мураккаб техник дастурларни амалга оширишга эмас, балки товарларни салгина такомиллаштиришга қаратилган, йирик америка маслаҳат фирмаси MC GROWNIM ни таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, АҚШнинг 90% фирмалари ИТТКИ га харажатларини 6 йилгача муҳлатга қоплаб олишни хошлашади. Техник ривожланишнинг нисбатан муҳим мақсадлари фақатгина баъзи тармоқларда учрайди. Буларга авиаракета – космик кема, кимё, электрон ва телекоммуникация тармоқлари. Бунга сабаб бу соҳаларда муҳим техник муаммоларни ечиш зарур. Бундай ёндошувга тез фойда олиш назарда тутилмайди. Янгиликларни жорий этиш бу фирманинг кашфиётларни ўзлаштиришга бўлган узлуксиз ҳаракати, бўлиб фирмани бозорга

олиб чиқади. Булар ҳаммаси "тажриба-конструкторлик ишлари" термини билан ёки илмий изланишлар ва тажриба-конструкторлик ишлари тушунчаси билан бирлаштирилади.

Инновацион риск қуйидаги объектив муаммоларга:

- Мулкдорлар ҳуқуқининг хусусиятлари аниқ ишлаб чиқилмаганлиги ва ўз маблағларининг етишмаслиги;
- Асосий фондларнинг эскирганлиги;
- Ҳуқуқий базанинг тўлиқ мукамаллашмаганлиги;
- Тадбиркорларнинг аниқ мақсад атрофида тўлиқ жипслашмаганликлари, тадбиркорлик жараёнларини давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ бир даража ва шаклига нисбатан яқдилликнинг етишмаслиги;
- Инновациялар баҳоларининг юқорилиги;
- Инновацион фаолиятни амалга оширишда иқтисодий таваккалчилик ва хавфнинг юқорилиги;
- Инновацияларни қоплаш муддатининг чўзилиши ёки аниқ эмаслиги киради.

Инновацион риск қуйидаги субъектив муаммоларга:

- Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўз вақтида, изчил амалга татбиқ этмаслик;
- Муаммоли вазиятларда юқори малакали ишчи ва ходимларнинг етишмаслиги;
- Кичик ва йирик корхоналар учун керакли ахборотларнинг номуносиблиги кабилар мисол бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган омиллар сабабли кичик бизнес ташқи бозорда ўз мустақкам мавқеига эга бўла олмайди. Уларнинг инновацион имкониятлари пастлиги оқибатида товарлар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги сусаяди, халқаро сифат стандартларига жавоб бермайди, натижада бозордаги самарали халқаро савдо ва сервис тармоқлари билан ҳамкорликдан маҳрум бўлишади.

## 2.4. Инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг ҳисоби

Инновация ўз қийматига эга бўлиши учун янги маҳсулот ва технологияга қўйилган капиталнинг натижасида бозорда реализация қилинган бўлиши лозим. Шунинг учун алоҳида таъкидлаш лозимки, турли хилдаги инновацияларнинг бизнесда амалиётда қўлланилиш учун етарлича миқдорда инновацион инвестицияларни жалб этиш лозим.

Инновацион лойиҳаларнинг молиявий ресурслар билан таъминланганлиги унинг рискларини камайтиради ва самарадорлигини оширади.

Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимининг элементлари қуйидагилардир:

- Инвестицион ресурслар манбалари;
- Молиявий воситаларни жамғариш ва уларни инновацион лойиҳаларга жалб қилиш механизми;
- Инвестицион ресурсларни бошқариш механизми.

Юридик шахслар инновацион лойиҳаларининг молиялаштириш манбаларига қуйидагилар киради: корхонанинг ўз маблағлари (фойданинг қайта инвестиция қилинадиган қисми, амортизация ажратмалари, зарарни қоплаш бўйича суғурта суммалари, номоддий активларни сотишдан тушган тушумлар);

Жалб қилинган маблағлар (акция ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш, бадаллар, хайрия ва б.);

Қарз маблағлари (бюджет, тижорат ва банк кредитлари).

Инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- ◆ Давлат бюджетидан молиялаштириш;
- ◆ Акционерлик корпоратив молиялаштириш;
- ◆ Банк кредитлари;

- ◆ Венчурли молиялаштириш;
- ◆ Лизинг;
- ◆ Форфейтинг;
- ◆ Аралаш молиялаштириш.

**1. Давлат бюджетидан молиялаштириш.** Давлат бюджетидан ва махсус давлат фондларидан устиворли аҳамиятга эга инновацион фаолият йўналишлари молиялаштирилади. Бюджет маблағлари давлат аҳамиятидаги мақсадли инновацион дастурларни молиялаштириш ёки истиқболли инновацион лойиҳаларни танлов асосида молиявий таъминлаш каби шаклларда амалга оширилади.

Инновацион лойиҳалар танловида иқтисодиётнинг истиқболли тармоғини ривожлантиришга қаратилган ва компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан қисман молиялаштириш шарти билан (20% дан кам бўлмаган) лойиҳалар иштирок этади. Қоплаш муддати 2 йилдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда кадрлар тайёрлаш бўйича саломатлик бўйича, қишлоқ хўжалиги бўйича бир қатор ишлар қилинмоқда. Яъни халқ таълимига бевосита инновацион технологияларни жалб этиш, тиббиёт муассасалари ва қишлоқ жойларини замонавий инновацион технологиялар билан таъминлаш муҳим вазифадир. Шу соҳалар бўйича Ўзбекистонда Давлат кафолати остидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу каби лойиҳаларга Бухоро ва Самарканд шаҳарларини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси (2008 йил январ март ойларида 635,83 млн. сум ажратилган бўлиб асосан реконструкция, қурилиши-монтаж ишлари ва асбоб-ускуналар учун йўналтирилган), "Саломатлик" лойиҳаси (276,23 млн. сум) ажратилган бўлиб, янги жиҳозлар олишга йўналтирилган). Самарканд қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган АГРП лойиҳаси (19,9 млн. сум). Ажратилган ҳозирги кунда ваянги машина в механизмлар олишга йўналтирилган), "Халқ таълими" лойиҳаси (халқ таълимини ривожлантириш, янги инновацион жиҳозлар олиш, реконструкция қилиш учун 2008 йил январ-март ойларида 351,45 млн сум ажратилган) қирали.

Жами бўлиб ушбу лойиҳаларга 2008 йил январ-март ойларида 1360,5 млн сум ажратилган.

Бундан ташқари тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳам Самарқанд вилоятидаги корхоналарда янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун китиритилмоқда. Бу каби хўжалик субъектларига "Сингапур-Самарқанд"ИП филиали, Ўздунробита ҚҚ(МТС), Юнител (Билайн), лифт заводи кабиларни киритиш мумкин. Ушбу корхоналарга 2008 йил 1-чорак якуни бўйича 1861 минг АКШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси киритилди.

**2. Акционерлик (корпоратив) молиялаштириш.** Ушбу шакл очик ёки ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун тўғри-келади. Чекланмаган инвесторлар доирасида акцияларни чиқариш ва сотиш орқали молиявий ресурслар йигини истиқболли инновацион лойиҳани амалга ошириш учун асос яртиб беради. Қимматли қоғозларни чиқаришда лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ миқдори, капиталнинг қутилаётган усиши миқдори ва дивидентлар келиб тушишини кутаётган пул тушумлари миқдоридан асос сифатида фойдаланилади.

**3. Банк кредитлари.** Тижорат банклари коплашнинг реал муддатларига эга, берилаётган маблағни қайтариш учун манбаларда эга ва капиталнинг ўсишини таъминловчи лойиҳаларга кредит беради. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

**4. Венчурли молиялаштириш.** Венчурли молиялаштиришда фондлардан капиталлар фоизсиз ва қайтариб бериш кафолатисиз бериларди. Шунинг учун ҳам бу инвесторлар рисконивесторлар деб аталади. Рисконивесторлар ўз маблағларини йўқотишга ҳам тайер, яъни кафолат сўрамайдилар. Рискокапитал узок муддатга берилади (5-7 йил) Рискокапитал фақатгина акционерлик капитали кўринишида жойлаштирилади.

Венчур капиталида риск жуда катта, лекин омадга эришилганда жуда катта фойда келтиради. Статистикага кўра, 15% ҳодисаларда венчур капитали бутунлай йуқолади 25% да рискофирмалар рексалаштирилганидан кўп муддат давомида зарар куришади; 30 % да жуда оз миқдорда фойда куришади, юқори фойда олишади. Рискларни камайтириш учун лойиҳани обдон текшириб кейин танлаш ва капитални бир вақтда бир неса лойиҳаларга китириш лозим.

**5. Молиявий лизинг.** Лизинг ҳозирги кунда бошланғич харажатларсиз харқандай ишлаб чиқаришнинг моддий – техника базасини ривохлантиришга йирик кўламли капитал кўйилмаларни амалга ошириш имконини берувчи асосий молиявий воситалардан бири ҳисобланади.

Техника ва жиҳоз харид қилишнинг бошқа усулларига қараганда (етказиб бериш факти бўйича тўлов, тўлов муддатини чўзиш орқали харид қилиш, банк кредити ва ҳ.к.), лизинг бир қатор устунликларга эга:

- лизинг корхонага, ижарачига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бир вақрнинг ўзида амалга ошириладиган йирик харажатларсиз ва қарз маблағларини жалб қилиш заруриятсиз миқозга хизмат кўрсатишни йўлга кўйиш имконини беради;

- лизинг битимини амалга ошириш йўли билан инвестиция режаларини амалга оширишда ликвидли маблағларнинг чекланганлиги муаммоси юмшатилади. Жиҳозни харид қилиш харажатлари шартнома амал қиладиган бутун муддатга тақсимланади;

- лизинг келишувчан, ссудага қараганда анча қайишқоқ бўлиб, ссуда ҳамма вақт қайтаришнинг чекланган муддатлари ва миқдорларини назарда тутлади. Лизинг чоғида ижарачи ўз даромадларининг келиб тушишини кўзга тутиши ва ижарага берувчи билан ўзига қулай бўлган молиялаш чизмасини ишлаб чиқиши мумкин. Шулардан келиб чиқиб лизинг хизматлари нархининг пасайишига:

- лизингни молиялаш учун жалб қилинадиган кредит ресурслари қийматининг пасайиши;

▪ Лизинг берувчи маржасининг кискарши шунингдек бўнак тўловлари миқдорининг аста секин камайиши кабилар таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхонасининг иқтисодий моҳияти ва инновация жараёнлари босқичларига асосланган ташкилий – иқтисодий механизм инновация фаолиятининг шакллари (бўғинлари) усуллари йиғиндисини акс эттиради. У чизмада кўрсатилган илмий – техника жараёнларини таминлаш йўналишида ўзаро боғланган ва келишилган.

**6. Форфейтинг.** Форфейтинг тижорат кредитини банк кредитига айлантириш операциясидир. Сотиб олувчи объектни сотиб олатётган пайтда мабалаги бўлмаса сотувчига объект кйиматини ва тўловнинг узайтирилмаган учун фоизни ҳисобга олган ҳолда векселлар езиб беради, яъни тижорат кредитини олади. Сотувчи векселларни банкка ўтказди. Ва ўз мулккий жавобгарлигидан халос бўлади. Сотувчи банкдан пулни олади. Натижада векселлар банк кўлига ўтади ва тижорат кредити банк кредитига алмашади. Форфейтинг бўйича кредитлаш муддати 1-7 йилни ташкил этади. Бундай кредитлаш тизими гарб мамлакатларида ва АКШда яхши ривожланган, бундай тизимни жорий қилиш оператив операцияларни бажаришга хўжалик субъектларининг фойдасини оширишга имкон беради. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳукум сураётган шароитда, Ўзбекистонда ИГТКИ лойиларини молиялаштиришнинг бу тизимини жорий қилиш белгиланган мақсадга эришиш имконини беради.

**7. Аралаш молиялаштириш.** Инновацион лойихани амалга ошириш учун турли манбалардан бирданига фойдаланилади. Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг бундай манбалари бўлиб, ташкилотлар, молия – саноат гуруҳлари, кичик инновацион тадбиркорлик, инвестицион ва инновацион фондлар, маҳаллий бошқарув органлари, жисмоний шахслар ва бошқалар ҳисобланади.

### **3-боб.ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА АУДИТОРЛИК РИСКИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

#### **3.1. Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг аудити**


Халқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва ва аудитнинг муҳим объектларидан бири сифатида инновацион фаолият ҳисобланади. Ушбу фаолият корхоналарда илмий тадқиқот ишлари (ИТИ) ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ТКИ) бўйича олиб борилади. Бунинг ёрқин мисоли гувоҳи бўлиб, жумладан, ИТИ ва ТКИ ҳисоби ва аудитига бағишланган махсус № 9 “Илмий тадқиқот ва тараққиёт фаолияти ҳисоби” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу стандарт инновацион фаолият моҳиятини, улар ҳисобини концептуал асослари ва услубий жиҳатларини белгилаб берувчи асосий ҳужжатлардан биридир. Ушбу стандартга асосан Республикамизда махсус 11-сон “Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига кетган харажатлар” номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар инновацион фаолият, унга доир харажатлар аудитини ўтказишда асосий меъёрий-ҳуқуқий дастаклар ҳисобланади.

Аудит текшируви жараёнида инновацион фаолиятни амалга ошириш ва натижада инновацион маҳсулотлар олишда сарфланган маблағлар бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини эътиборга олиш керак. Уларнинг асосийларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Биринчидан,** инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланмайди. Мазмуни ва характерига кўра инновацион маҳсулотга сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннархига киритилмайди, демак бу харажатлар ишлаб чиқариш таннархини акс эттирувчи 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олинмайди.

Иккинчидан, Инновацион махсулотларга сарфланган харажатлар келгуси даврда самара бериши ёки самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳисобот даврларда инновацион махсулотларга қилинган сарф харажатларни, то улар иқтисодий самара бергунга қадар, 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, Инновацион махсулотларга сарфланган харажатлар келгусида эришилган натижаларга кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг активи ёки давр харажати сифатида тан олинishi мумкин. Биринчи ҳолда 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида жамланган харажатлар олинган натижанинг турига кўра у ёки бу активни акс эттиришга мўлжалланган бухгалтерия счётига ўтказилиши ва шу ҳисобда ҳисобдан чиқарилиши лозим. ( 6 -чизма).



**6-чизма. Актив сифатида тан олинган инновацион махсулотлар бўйича харажатларни счётларда акс эттирилиш<sup>7</sup>.**

<sup>7</sup> Уразов К.Б., Мардонов М.Ш. «Инновацион махсулот ва унга сарф қилинган харажатлар аудити» Самарқанд. СамИСИ “Баркамол авлод – порлоқ пойдевори” илмий анжумани 2010й.

Инновацион махсулотларга сарфланган харажатлар актив сифатида тан олинмаса ёки буни аниқлашнинг иложи бўлмаса, улар давр харажатлари сифатида тан олинishi лозим. Бундай ҳолда 3100 - “Келгуси давр харажатлари” счётида жамланган харажатлар юз берган даврдан бошлаб 9400- “Давр харажатлари” счётига ўтказилиши ва шу йўл билан ҳисобдан чиқарилиши лозим.

**Тўртинчидан,** Инновацион махсулотларга сарфланган харажатлар инновацион махсулотларнинг таннархини ташкил этади. Инновацион махсулот таннархи ўз ичига қуйидаги харажат моддаларини олади:

- Инновацион махсулот яратишда иштирок этган ходимларга ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар;
- Инновацион махсулотларга сарфланган хом ашё ва материалларнинг қиймати;
- Инновацион махсулот яратишда фойдаланилган асосий воситалар, номоддий активлар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскириш суммаси;
- Инновацион махсулот билан боғлиқ бўлган бошқа устама харажатлар.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ Инновацион махсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар ушбу махсулотлар таннархига кирмайди, балким хўжалик юритувчи субъектларнинг давр харажатлари сифатида умумийхўжалик фаолиятдан олинган фойдаси ҳисобидан қопланади.

**Бешинчидан,** Инновацион махсулотларга сарфланган ва актив сифатида тан олинмаган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи даромад эвазига ҳисобдан чиқарилади. Шунинг учун ҳам ушбу харажатлар фойдадан олинадиган солиқни ҳисоблашда бевосита эътиборга олинishi лозим. 2008 йилдан амалда бўлган янги Солиқ кодексига мувофиқ инновацион махсулотга сарфланган харажатлар ҳисобот даврида солиққа тортиладиган базадан чегирилмайди, лекин келгусида улар бир маромда маълум вақтгача

солиққа тортиладиган базасидан фойдали хизмат муддати ичида, агарда бу муддат белгиланмаган бўлса 10 йил мобайнида чегирилиб борилиши керак.

Инновацион фаолиятга доир харажатлар аудиторлик текширувидан хар хил сабабларга кўра ўтказилиши мумкин. Биринчидан, характерлайдиган хусусияти унинг силжувчанлигидир. Замонавий босқичда ўзгаришлар катта тезлик билан асосан телекоммуникация, кимёвий ва электрон саноат, компьютер ва биотехнология ишлаб чиқариш соҳаларида юз бермоқда. Шуниси қизикки компания турли бўлимларида ўзгариш тезлиги турличадир. Масалан, ИГТКИ (илмий изланиш тажриба конструкторлик ишлари) бўлими менеджери илмий-техник муҳитдаги кунлик ўзгаришлардан бохабар бўлиши, рақобатчилар эришган ютуқларини кузатиш ва янги технологик стандартларга риоя этиши лозим.. Шунингдек, мулкчилик ва муносабатларнинг янги турлари ҳисоб объектларига айланди. Иккинчидан, мулк эгалари, инвесторлар ва акциядорларнинг корхона молия-хўжалик фаолиятининг аҳволи тўғрисидаги холис ахборотларни талаб қилишлари. Шунингдек, бухгалтер ходимларининг бекарорлиги яъни ўзгариб (алмашланиб) туриши, улар малакасининг пастлиги ва бошқалар. Учинчидан, иктисодиётнинг эркинлаштирилиши ва ислохотларнинг чуқурлаштирилиши муносабати билан меъёрий хужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши ва янгиларининг қабул қилиниши ва х.к. Бундай муаммолар билан туқнашаётган корхоналарда малакали аудиторлик хизматларига эҳтиёж кучайиб, уларнинг раҳбарлари мустақил аудиторлик ташкилотларига ёрдам сураб мурожаат қилмоқдалар. Масалан: ҳисоб маълумотларини дастлабки хужжатлардан бошлаб тула ва ёппасига текшириш; дастлабки ҳисоб маълумотларини ёки факат ҳисоб регистрлари ва ҳисоботлардаги маълумотларни танлаб текшириш.

Энг мухими, аудитор амалдаги бухгалтерлик ҳисоби тизими текшириляётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ишонарли акс эттириши ҳамда инновацион фаолиятда мавжуд назорат воситаларига кай даражада таяна олишига ишонч ҳосил қилиши лозим.


Шунингдек, ҳисоб тизимини, яъни ҳужжатлар айланиш режа-графикининг тузилишини, бухгалтерия ходимларининг хизмат вазифалари қандай тақсимланаётганлигини кўрсатиши, корxonанинг асосий муомалаларини акс эттириш учун қандай счётлар корреспонденциялари (узaro боғланишлари) қабул қилинганлиги ва қандай ҳисоб регистрларидан фойдаланилаётганлиги қаби масалаларни баён қилиш лозим.

Кўпчилик аудиторлар инновацион фаолиятни ташкил этиш ва уни юритиш услубиёти стандарт, марказлаштирилган ҳолда тартибга солишга буйсундирилган ва шунинг учун уни баён қилишга эҳтиёж сезилмайди деган нотўғри фикрга эга. Улар бундай фикрга асосланиб аудитни режалаштиришнинг бу қисмига етарли эътибор бермайдилар. Бундай ёндошувга йул қуйиб булмайди, чунки ИТТКИ шунга олиб келадикки, унда турли корxonалар нафакат ўз хусусиятларини, балки намунавий счётлар ва регистрлар номи остида ҳам хатоларини яширадилар. Масалан, 1010-1090 «Материаллар» счётлари буйича колдикларни балансда ҳисоб баҳоларида акс эттириш холлари куп учрайди. Ҳисоб юритиш сиёсатидаги «ишлаб чиқариш захираларининг ҳисоби уларнинг ўртача сотиб олиш баҳоси буйича юритилади» деган ёзув остида нафакат ўртача микдорларни ҳисоб-китоб қилишнинг хилма хил усуллари, балки улардан тўғридан - тўғри воз кечиш ва материалларни корxона учун энг кулай булган баҳоларда ҳисобдан учириниш ва шунга ухшашлар яшириниши мумкин. Бухгалтерия ходимлари корxонада юритиладиган оборот ведомостлари ва шунга ухшашларни журнал-ордерлар деб тушуниб, ҳисоб журнал-ордер шаклида юритилишини тасдиқлашлари ҳам мумкин.

Инновацион маҳсулотлар ва унга сарф қилинган харажатларни аудит қилишда юқоридаги хусусиятлардан фойдаланилса, ушбу фаолият буйича аудиторлик rischi қамайтиришга имкон беради.

### 3.2. Инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимининг аудити

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инновацион фаолиятнинг пировард натижаси инновацион маҳсулотдир. Инновацион маҳсулот бўлиб янги техника-технологиялар, янги яратилган маҳсулотлар, номоддий активлар ёки ушбу фаолиятга сарфланган маблағларни харажатлар сифатида тан олиш ҳисобланади. Инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқими аудитининг кетма кетлиги ва унинг натижаларини олиш, расмийлаштириш ва ахборот фойдаланувчиларга етказиш 7-чизмада келтирилган инновацион фаолиятнинг асосий ҳаракат йўналишларига мос олиб борилиши лозим.



7-чизма. Инновацион фаолиятнинг ҳаракатланиш йўли

Қуйида асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимини ҳамда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатларни аудит текширувидан ўтказиш услубияти масаларига тўхталамиз.

### **Асосий воситалар сифатидаги инновацион маҳсулотларнинг аудити.**

Бу турдаги инновацион маҳсулотларни аудит қилиш уларни яратилиши жараёнини ўзида мужассамлаштирувчи 0800 “Капитал қуйилмалар” счёти маълумотларини қонунийлиги, ҳужжатли асосга эга эканлиги, ушбу счётда янги яратилган асосий воситалар қийматини тўғри шакллантирилганлигини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун аудитор асосий воситалар кўринишида яратилган янги қурилиш, техника ва технология, машина ва механизмлар, транспорт воситалари ва бошқа шу каби меҳнат қуролларини қуриш ҳамда сотиб олишга доир барча операцияларга гувоҳлик берувчи бошланғич ҳужжатларни мавжудлиги, уларни тўғри расмийлаштирилганигини текшириб чиқишлари лозим. Аудиторларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб асосий воситалар сифатида қабул қилинган янги инновацион маҳсулотларни бошланғич қийматини тўғри ҳисоб китоб қилинганлигини аниқлаш ҳисобланади. Одатда, асосий воситалар кўринишида олинган янги маҳсулотларнинг бошланғич қиймати 5-сон БҲМС “Асосий воситалар”га мувофиқ уларни сотиб олиш, ташиб келтириш, ўрнатиш, ишга тушириш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ичига олади. Ушбу харажатлар турли ҳужжатлар билан тасдиқланади. Демак, асосий воситанинг бошланғич қийматини топиш учун барча гувоҳлик берувчи ҳужжатлар суммалари жамланиши лозим бўлади. Қилинган барча харажатларни махсус “Асосий восита бошланғич қийматининг ҳисоб-китоби ” да жамланган бўлиши уларнинг бошланғич қийматини аниқлашни енгиллаштиради. Бу ҳужжатни мавжуд бўлмаслиги асосий воситалар сифатида қирим қилинган янги инновацион маҳсулотни бошланғич қийматини тўғри аниқланганлигини шубҳа остига қуюди. Шу боис ҳам, аудиторлик текширувида юқорида номи зикр этилган ҳисоб китобни аудиторлар томонидан қуйидаги шаклда махсус тузиб чиқишларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз ( 6 -жадвалга қаранг).

6-жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулотнинг бошланғич қиймати 1300000 сумга

кам қилиб белгиланган. Бу ушбу асосий воситанинг бошланғич қийматига 900000 минг сумлик сафар харажатларини, 300000 сумлик ургатиш харажатларини ва 100000 сумлик бошқа харажатларни киритилмасдан қолганлиги, уларни давр харажатларига олиб борилганлиги эвазига рўй берган.

**6-жадвал**  
**Асосий воситалар сифатида кирим қилинган инновацион маҳсулот**  
**бошланғич қийматининг ҳисоб-китоби**

№	Харажат моддаси	ҳужжат		Сумма		Четлавиш
		№	сана	Корхона бўйича	Текшириш бўйича	
1	Сотиб олиш қиймати			25000000	25000000	0
2	Божхона божи			5050000	5050000	0
3	Ташиб келтириш			6060000	6060000	0
4	Сафар харажатлари			-	900000	-900000
5	Урнатиш харажатлари			500000	500000	0
6	Ўргатиш харажатлари			-	300000	-300000
7	Бошқа харажатлари			600000	700000	-100000
	жами			37210000	38510000	-1300000

Таъкидлаш жоизки, асосий воситалар сифатида қабул қилинадиган янги инновацион маҳсулотларнинг бошланғич қийматини нотўғри ҳисоб китоб қилиниши корхонада турли салбий оқибатларга олиб келади, чунончи:

- инновацион маҳсулотларга қилинган харажатларни капиталлаштириш ва келгусида уларни аста секинлик билан ҳисобдан чиқариб бориш ўрнига, вақтидан олдин ҳисобдан чиқарилишига, мос равишда ҳисоб даври харажатларини сунъий кўпайишига олиб келади;
- қабул қилинган асосий воситалар кўринишидаги инновацион маҳсулотлар бўйича мол мулк солиғини кам ҳисобланишига сабаб бўлади;
- корхона тўлайдиган фойда солиғини кўп ҳисобланиши ва соф фойдани сунъий камайтиришга олиб келади.

Асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулотлар аудитнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб улар қийматига текширилаётган даврда қуйидаги турдаги харажатларни киритиб юборилмаганлиги аниқлаш ҳисобланади:

- инновацион маҳсулотга қилинган таъмирлаш харажатлари;
- тегишли асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари;
- маъмурий харажатлар ва инновацион маҳсулотни сотиш чоғида бевосита қилинган харажатлар.

Ушбу турдаги харажатлар асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулот таннархига эмас, мос равишдаги асосий фаолият харажатларига киритилиши лозим.

Асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулотлар келгусида турли сабабларга кўра ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Чунончи, улар сотилиши, тугатилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши ва бепул берилиши мумкин. Ушбу операциялар аудитнинг услубий жиҳатлари махсус адабиётларда атрофлича ёритилган. Фикримизча, адабиётларда келтирилган ушбу усул ва услубларни асосий воситалар сифатида қабул қилинган инновацион маҳсулотлар чиқимини аудит кўригидан ўтказишда қўллаш мумкин.

**Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатлар аудити.** Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига қилинган харажатлар аудитнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ушбу турдаги ишларга қилинган харажатларни актив ёки давр харажатлари сифатида тўғри тан олинганлигини аниқлаш;
- актив сифатида тан олинган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари қийматини тўғри топилганлигини текшириш;
- актив сифатида тан олиш имкони бўлмаган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига сарфланган маблағларни давр харажатларига тўғри ва ўз вақтида олиб борилганлигини текшириш;

- номоддий активлар сифатида тан олинган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (лицензия, патент, дастурий таъминот, товар белгиси, франчазинг ва бошқалар) қийматини амортизация қилиниши ва мунтазамлилик асосида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари таркибига тўғри олиб борилганлигини текшириш;

- номоддий активлар сифатида тан олинган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (лицензия, патент, дастурий таъминот, товар белгиси, франчазинг ва бошқалар) ни сотиш, ҳисобдан чиқариш, бепул бериш, таъсис бадали сифатида киритишни қонунийлиги, тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилганлиги, олинган молиявий натижаларни тўғри аниқланганлигини текшириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда аудиторлар қуйидагиларга асосланиши лозим:

- 1) инновацион маҳсулот ёки технологияни сотиш ёки ундан фойдаланишдан келадиган даромадлар ёки бошқа манфаатлар устуворлигига;

- 2) инновацион маҳсулот ёки технологияни сотиш ёхуд ундан фойдаланишни қайси даврда юз берганлигига;

- 3) амортизацияни инновацион маҳсулот ёки технология сотишга ёки фойдаланишга тайёр бўлган пайтдан бошланишига;

- 4) актив деб тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг амортизация қилинадиган суммасини қуйидаги муддатларнинг энг қисқаси даврида мунтазам асосда тақсимлашига:

- активнинг хизмат муддати;

- у дастлаб тан олинган вақтдан бошлаб беш йил давомида.

Айрим ҳолатларда тажриба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар натижасида олинган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект бошқа активларни ишлаб чиқариши чоғида сарфланиб кетади ва харажат сифатида тан олинмайди. Бундан ҳолатда мазкур харажатлар амортизацияси бошқа актив қийматининг бир қисмини ташкил этади ва баланс қийматига киритилади. Масалан, илгари актив деб ҳисобланган тажриба-

конструкторлик ишлари харажатлари ишлаб чиқариш товар-моддий заҳиралари қийматига киритилиши мумкин ("Товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш" 4-сон БХМС). Бошқа активларнинг баланс қийматига киритилган тажриба-конструкторлик ишлари харажатлари шу тариқа ана шу активларнинг бошқа харажатлари қилинган пайтдаги харажатлар деб тан олинади. Аудиторлик текширувида ушбу тартиб қоидаларга тўлиқ амал қилинганлигига баҳо берилиши лозим.

Лойиҳа бўйича инновацион фаолиятга доир харажатлар миқдорини инновацион фаолиятдан кейин бўладиган харажатларни, тегишли ишлаб чиқариш харажатларини, маъмурий харажатларни ва инновацион маҳсулот ёки технологияни бевосита реализация қилиш чоғида қилинган, лекин келажакдаги даромадлар ҳисобидан қопланмайдиган харажатларни ҳисобга олиб, амортизация қилинмаган қолдиқ миқдоригача камайтириш лозим бўлади.

Инновацион фаолиятда амортизация қилинмаган харажатлар қолдиги, агар бу харажатлар уларни актив деб ҳисоблаш мезонларига жавоб бермаса, ҳисобдан чиқариб ташланиши лозим. Тўла ёки қисман ҳисобдан чиқариб ташланган миқдорни мазкур қисман ёки тўла ҳисобдан чиқариб ташлаш амалга оширилган даврдаги харажат деб тан олиш лозим бўлади.

Қисман ёки тўла ҳисобдан чиқариб ташланган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларини, тўла ёки қисман ҳисобдан чиқариб ташлашга олиб келган воқеа ёки вазият тугагандан сўнг ва янги воқеа ҳамда вазият келажакда мавжуд бўлишига ишончли далил мавжуд бўлган ҳолларда қайтадан тиклаш керак. Қайта тикланган миқдорни амортизация сифатида тан олинishi мумкин бўлган миқдорга камайтириш шарт. Қайта тикланган миқдорни шу давр харажати сифатида тан олинган тажриба-конструкторлик ишлари харажатларининг камайтирилган миқдори сифатида эътироф этиш керак.

Аудиторлик текширувида юқорида изоҳи берилган ушбу тартиб қоидаларга тўлиқ амал қилинганлигига, ҳисоб ва ҳисоботда йўл қўйилган ҳатоликларга баҳо берилиши лозим.

А. Аудитор илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига доир харажатларда ҳатоликларни аниқлаганида қуйидаги амалларни бажарилиши лозим:

бухгалтерлик ҳисоботидаги ҳатоларнинг бузиб курсатилишини баённи ёзиш;

бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ҳамда юритишнинг қонунийлик билан белгиланган қоидалари хўжалик юритувчи субъект ходимлари томонидан билмасдан ёки атайлаб бузилган ҳоллар аниқланганида аудиторлик ташкилоти қандай иш тутиши хусусиятларини аниқлаш;

бухгалтерия ҳисоботининг ишончилигига таъсир қиладиган ҳатолар аудитор томонидан аниқланганлиги муносабати билан хўжалик юритувчи субъект ва аудиторлик ташкилоти масъулиятларини бир-биридан ажратиш белгилаш;

бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг бузиб курсатилиш хавф-хатари омилларини аниқлаш.

Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг бухгалтерлик ҳисоботида ҳатолар пайдо бўлишига олиб келадиган, атайлаб қилинган ҳатти-ҳаракатлари (ёки лоқайдликлари) тўғрисида хулоса қилиш фақат ваколатли орган томонидан амалга оширилиши мумкинлигини аудитор ҳисобга олиши зарур. Аудитор учун муҳими аниқланган ҳатоларнинг аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлигидадир.

Ҳар бир аудитор ўз тажрибасидан келиб чиқиб, муайян текшириладиган корхона учун бухгалтерлик ҳисобининг қайси бўлимлари энг хатарли эканлигини яққол тасаввур қилиб, аудитни режалаштиришда ушбу ишнинг шундай тарзда эҳтиёткорлик билан қилиши керакки, нотўғри аудиторлик хулосаси тузиш ва тақдим қилиш хавф-хатари имкон қадар камайсин.

Агар рахбариятга тақдим қилинган ахборотлар натижалари бўйича бухгалтерлик ҳисоботида тегишли узгартишлар киритилмаган бўлса, у ҳолда аудитор аудит жараёнида аниқланган бухгалтерлик ҳисоботидаги бузиб курсатилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни аудиторлик хулосасига киритиши керак.

### **3.3. Инновацион фаолият бўйича аудиторлик rischi ҳамда уни камайтириш йўллари**

Аудитор инновацион фаолият ички назорат тизимининг ишончлилигини ва текшириш ўтказишда унга таяниш мумкинлиги ҳақида асосли қарор қабул қила олиши учун бу тизимни ўрганadi. Назорат тизимининг ишончлилиги, унинг ҳисоб юритишда муайян шахслар қасддан қилиши мумкин бўлган, шунингдек тасодифий йул қуйиганадиган хатоларнинг олдини олиш ва аниқлаш лаёқатидан иборат. Агар аудиторнинг фикрича, ички назорат тизими ишончли бўлса, бунда у текширув объектларидан бирортаси бўйича счётлар ёки муомалаларни текширишни тўлиқ ёки қисман ички назорат тизимининг ишлашини текшириш натижаси билан алмаштириши мумкин. Агар, ички назорат тизими ишончли ва сезиларли даражада издан чиқмасдан ишлаётганлигини аниқланса, у бундай тизимдаги бухгалтерлик маълумотларида ҳам катта хатолар йўқ деб тахмин қилишга ҳақлидир. Агар мабодо ички назорат тизими самарасиз бўлса, аудитор унинг камчиликларидан келиб чиқадиган хатарли вазиятларни бартараф қилиш учун тестлар сони ва уни танлаш ҳажмини купайтириши лозим. Ички назорат тизимини кўриб чиқишда, аудитор аввало, корхона маъмуриятининг ички назоратга муносабатини, яъни корхона раҳбарининг фикрлаш хусусиятларини, уларнинг раҳбарлик қилиш услубини, аниқ молиявий ҳисоботга муносабатини ўрганadi. Аудитор корхона атрофидаги ишчанлик муҳитини ҳам инкор қилмаслиги лозим. Ўрганишнинг ушбу босқичида аудитор мижоз билан тўзилган шартномадан келиб чиқадиган тахликали

вазиятларни баҳолашда туплаган маълумотларидан фойдаланади. Лекин, у агар бутун аудитнинг тахликали вазиятларини қулай деб баҳолаган бўлса, шунингдек, корxonанинг ички назорат тизимини ҳам ишончли деб билмаслиги лозим. Режалаштириш пайтида ички назорат тизими фаолиятининг барча томонларини батафсил тахлил қилиб чиқиш лозим. Аудитор олинган маълумотларни ягона тизимга келтириш учун қисқача ҳисобот тайёрлаб, унда қуйидагиларни баён қилади: корxonанинг фаолият қилиш соҳаси ва принциплари; рахбариятнинг ишончли ҳисоб ва назорат тизимини яратишга оид мажбуриятлари; рахбариятнинг корxона фаолиятини назорат қила олиш лаёқати.

Инновацион фаолият соҳасини баён қилишда аудитор диққат-эътиборини ички назоратнинг алоҳида участкаларига қаратади. Турли тармоқлардаги айрим муомалалар ва счётларга нисбатан назоратнинг кучайтирилиши бошқалари учун самарасиз булиши мутлақо аён. Масалан, инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар актив ёки харажат сифатида тан олиши ўзига хос тамойилларга таянади.

Тўғри йўлга қўйилган ички назорат тизими хатолар вужудга келишини бартараф этиб, натижада, нотўғри, бефойда қарорлар қабул қилиш ҳамда зарарлар вужудга келишини имкон қадар камайтиради. Бу кўзда тутилмаган хатоларга ҳам, атайлаб қилинганларига ҳам, тўлиғича тааллуқлидир. Бунинг устига ички назорат яхши йўлга қўйилганда тасодифий хатолар осон аниқланади, атайлаб қасддан қилинган хатолар эса фақат пухта уйланган доимий текширув ва масъулиятларни тақсимлаш тизими ёрдамида бартараф қилиниши мумкин.

Кўплаб мутахассислар таъкидлашича, ички назорат тизими фақат корxонада ички назорат ички аудит хизмати томонидан амалга оширилгандагина яхши самара беради, жамоатчилик тафтиш комиссиясига юкланганида эса ёмон ишлайди, бошқалар эса ички аудит ички назорат тизими элементларидан биригина халос деб тасдиқлайдилар. *Ички назорат*

бу бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилигини ва корхона ресурсларидан режага мувофиқ оқилона фойдаланишга имкон яратадиган доимий, кундалик ишдир.

Яхши ташкил этилган ички назорат тизими қуйидаги элементлари билан тавсифланади:

- ахборотларни тўплаш тизими мавжуд хатоларни ўз вақтида аниқлайди;
  - амалдаги масъулият тизими ҳар қандай вазифани бошдан охиригача яқка ўзи амалга оширишига йўл қўймайди;
  - ҳар қандай муомалаларни мувофиқлаштириш тизими мавжуд;
  - инвентаризация мунтазам равишда утказилади;
  - бухгалтерия ҳисоботлари ва режадан четга чиқишлар таҳлил қилинади.
- Агар ҳар кунлик иш ички назорат остида бўлса, даромадлар купаяди. Кундалик иш ишончли бўлса даромадни йўқотиш хавф-хатари ҳам пасаяди.

Ички назоратнинг тўзилиши турли хил булиши, корхона фаолияти, унинг ҳажми, ЭХМ билан жихозланганлигини, раҳбариятнинг шахсан назорат қила олиш имкониятлари ва куплаб бошқа омилларга боғлиқ.

Аудитор ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш жараёнини утказиш ҳамда хужжатлаштиришда қуйидаги намунавий шакллардан фойдаланиши зарур:

- махсус ишлаб чиқилган тестлар;
- раҳбар ходимлар ва бухгалтерия ходимларининг фикрларини аниқлаш учун намунавий саволлар руйхати;
- махсус бланкалар ва текширув варакалари; блоксхемалар ва графиклар;
- камчиликлар руйхати, баённомалар ёки далолатномалар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ички назоратга таалукли қандайдир махсус талаблар йўқ. Шунинг учун аудитор ички назорат тизимини баҳолашда иккита омилга таянади:

- ички назоратнинг мақсади корхона раҳбарияти учун ҳам, аудитор учун ҳам бир хил - бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги ва объективлигини таъминлаш;

аудиторлик ҳисоботининг тахлилий қисмида ички назорат ҳолатини экспертиза қилиш натижаларини акс эттириш зарур.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг асосий мақсади аудитни режалаштириш, шунингдек аудиторлик амалларининг турларини, утказиш вақтини ва ҳажмини аниқлаш учун пухта замин яратиб, уларни аудиторлик текширувининг дастурида акс эттиришдан иборат. Фараз қилайлик, аудитор томонидан дастлабки аудиторлик текшируви дастури тайёрланган ва у олдинда тўрган ишларнинг бориши тўғрисида маълум тасаввурга эга. Дастлабки дастур сифатида утган йилги аудиторлик текшируви дастури олиниб, миқдор корхонадаги ички назорат тизимини дастлабки тахлил қилиш ва самарасизлик хавф-хатарини баҳолаш натижаларига мувофиқ тузатишлар киритилади ( 7 - жадвал).

7-жадвал

**Инновацион маҳсулотларни аудиторлик текшируви дастури ижроси мониторинги**

**Текшириляётган корхона –** «Мароқанд - Парранда» кўшма корхонаси  
**Аудит даври** 2009 йил 1 январдан 31 декабргача  
**Одам-соат миқдори** 48 соат (2 киши \* 24 соат )  
**Аудиторлик гуруҳининг раҳбари** Азизов И.С.  
**Аудиторлик гуруҳининг таркиби** Азизов И.С., Камолов К.Т.  
**Режалаштирилган аудиторлик таваккалчилиги** 5%  
**Режалиштирилган аудиторлик аҳамиятлилиги** 100 000 сум.

№	Текшириладиган саволлар	Кутилган натижа	Эришилган натижа
1	Илмий ғоя ва ишланмалар (янги техника, технология, лойиҳалар, дастурлар, маҳсулот, товар намуналари ва бошқалар) га заруратларни техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳужжатларнинг мавжудлиги	Илмий ғоя ва ишланмалар (янги техника, технология, лойиҳалар, дастурлар, маҳсулот, товар намуналари ва бошқалар) га заруратларни техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳужжатларнинг мавжудлигига иқроп бўлиш	Илмий ғоя ва ишланмалар (янги техника, технология, лойиҳалар, дастурлар, маҳсулот, товар намуналари ва бошқалар) га заруратларни техник-иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳужжатларнинг мавжудлигига иқроп бўлинди.
2	Реал маблағлар	Реал маблағлар	Реал маблағлар

	(капитал инвестициялар) ни инновацион маҳсулотларни яратиш учун киритишга асос бўлувчи хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар)	(капитал инвестициялар) ни инновацион маҳсулотларни яратиш учун киритишга асос бўлувчи хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар) га иқдор бўлиш	(капитал инвестициялар) ни инновацион маҳсулотларни яратиш учун киритишга асос бўлувчи хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар) га иқдор бўлинмади
1	Инновацион маҳсулот (янги техника, технология, янги маҳсулот ва товар намунаси, лойиҳа, дастурий таъминот ва бошқалар)ишлаб чиқариш билан боғлиқ хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар)	Инновацион маҳсулот (янги техника, технология, янги маҳсулот ва товар намунаси, лойиҳа, дастурий таъминот ва бошқалар)ишлаб чиқариш билан боғлиқ хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар)га иқдор бўлиш	Инновацион маҳсулот (янги техника, технология, янги маҳсулот ва товар намунаси, лойиҳа, дастурий таъминот ва бошқалар)ишлаб чиқариш билан боғлиқ хужжатларнинг мавжудлиги (битимлар, шартномалар, таклифлар ва бошқалар)га иқдор бўлинди.
2	Инновацион маҳсулотлар ҳисобини счётларда акс эттириш тартиби амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мослиги	Инновацион маҳсулотлар ҳисобини счётларда акс эттириш тартиби амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мослигига иқдор бўлиш	Инновацион маҳсулотлар ҳисобини счётларда акс эттириш тартиби амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мослигига иқдор бўлинди
3	Инновацион маҳсулотлар ҳисоботи мавжудлиги ва реал тузилганлиги	Инновацион маҳсулотлар ҳисоботи мавжудлиги ва реал тузилганлигига иқдор бўлиш ёки четланишларни аниқлаш	Инновацион маҳсулотлар ҳисоботи мавжудлиги ва реал тузилганлигига иқдор бўлиш ёки четланишларни аниқланди.
4	Инновацион маҳсулотлар таннархини тўғри шаклланганлиги ва уни тўғри юритилганлиги	Инновацион маҳсулотлар таннархини тўғри шаклланганлиги ва уни тўғри юритилганлигига иқдор бўлиш ёки четланишларни аниқлаш	Инновацион маҳсулотлар таннархини тўғри шаклланганлиги ва уни тўғри юритилганлигига иқдор бўлиш ёки четланишларни аниқланмади
5	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида кирим қилинганлиги ва кирим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида кирим қилинганлиги ва кирим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлигига	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида кирим қилинганлиги ва кирим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлигига

		икрор бўлиш ёки четланишларни аниқлаш	икрор бўлиш ёки четланишларни аниқланмади.
6	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида чиқим қилинганлиги ва чиқим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида чиқим қилинганлиги ва чиқим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлигига икрор бўлиш ёки четланишларни аниқлаш	Инновацион маҳсулотлар ўз вақтида чиқим қилинганлиги ва чиқим касса ордерининг тўғри расмийлаштирилганлигига икрор бўлиш ёки четланишларни аниқланмади.
7	Инновацион маҳсулотлар бўйича омбор ҳисоботини ўз вақтида ва тўғри юритилганлиги	Инновацион маҳсулотлар бўйича омбор ҳисоботини ўз вақтида ва тўғри юритилганлигига икрор бўлиш ёки четланишларни аниқлаш	Инновацион маҳсулотлар бўйича омбор ҳисоботини ўз вақтида ва тўғри юритилганлигига икрор бўлиш ёки четланишларни аниқланмади.
8	Инновацион маҳсулотларга сарфланган ва актив сифатида тан олинмаган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи даромад эвазига ҳисобдан чиқарилганлиги ва счётларда акс эттирилганлиги	Инновацион маҳсулотларга сарфланган ва актив сифатида тан олинмаган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи даромад эвазига ҳисобдан чиқарилганлиги ва счётларда акс эттирилганлигига икрор бўлиш ёки улардаги четланишларни аниқлаш	Инновацион маҳсулотларга сарфланган ва актив сифатида тан олинмаган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ялпи даромад эвазига ҳисобдан чиқарилганлиги ва счётларда акс эттирилганлигига икрор бўлиш ёки улардаги четланишларни аниқланмади

Аудиторлик текшируви дастури инновацион фаолиятдаги ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлашга қаратилган амаллар руйхатидан иборат. Ҳар бир аудиторлик амалининг тури, ўтказиш вақти ва миқёси аниқланиб, у молиявий ҳисоботнинг бир ёки бир неча кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Аудиторлик амалларининг еттита асосий тури мавжуд: қайта санаш, кўзатиш, тасдиқлаш, оғзаки сўров, ҳужжатларни текшириш, нусха кучириш ва таҳлил қилиш амаллари. Аудиторлик амалларини ўтказиш вақти турлича бўлиши мумкин: баланс тўзгунга қадар

ёки тўзилганидан сўнг. Бажариладиган амаллар миқёси ишлар ҳажмига боғлиқ бўлиб, ушбу амалларни сафарбар қилиш чоғида бажарилиши мумкин.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг навбатдаги мақсади - бу уни такомиллаштириш бўйича конструктив таклифлар ишлаб чиқишдир. Аудитор ички назорат тизимини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб, ўз таклифларини мижозга такдим этиладиган махсус хатда баён қилади. Аудиторлар ушбу таклифларни аудиторлик текширувининг элементи сифатида расман қабул қилиб, уларни консультация хизматлари қаторига киритмайди. Берилган таклифларга риоя қилиш ёки қилмасликни мижознинг ўзи ҳал этади. Таклифлар баён қилинган хат аудит жараёни якунланганидан сўнг ёзилади.

Хатда ички назорат тизимининг муаммолари билан боғлиқ фактлар баён қилиниб, аудитор булар ҳақида мижоз корхона бошқарувини хабардор қилиши лозим. Чунки, бу муаммолар ички назорат тизимининг таркиби ва фаолият кўрсатишида сезиларли камчиликлар мавжудлигидан далолат беради ва корхонанинг молиявий ахборотларини руйхатга олиш, қайта ишлаш ва молиявий ҳисоботда умумлаштириш лаёқатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай камчиликлар қуйидагиларда намоён булади:

- хизмат вазифаларининг таксимланмаганлиги;
- хўжалик муомалаларининг текширилмаслиги ва зарур назоратнинг ўрнатилмаганлиги;
- назорат амалларининг самарасизлиги;
- назоратдан кочиш мақсадида мансабдор шахслар томонидан назорат амалларининг атайлаб бўзилиши;
- корхона раҳбарияти ёки ходимларининг атайлаб қилган хатолари, масалан, бухгалтерия ёзувларини қалбакилаштириш ёки алмаштириш.

Хабардор қилиш зарур бўлган фактлар бу ички назорат тизимининг сезиларли камчиликларидир. Улар шу билан тавсифланадики, ички назорат тизими айрим элементларининг тўзулмаси ёки фаолият кўрсатиши, текшириладиган молиявий ҳисоботларда катта хатолар ёки ахборотларнинг

бўзиб кўрсатилиши юзага келиши мумкин ва бу хатолар корхона ходимлари томонидан ўзларининг кундалик вазифаларини бажариш чоғида аниқлаш эҳтимolini пасайтирмайди. Аудитор негатив фактларни махсус излаши лозим эмас, аммо агар уларни аниқласа, бу ҳақда раҳбариятга ёзма ёки оғзаки билдириши лозим.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот, шунингдек ички назорат тизимини таъкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари жавобгардир.

Аудитор мижоз учун самарали ички назорат тизимини ишлаб чиқишга жавобгар эмас. Бундай тизимни яратиш корхонанинг ташкилий тузилмасини, назорат амалларини ва ҳужжатлаштиришни ишлаб чиқишни такозо этади. Аудиторлик фирмаси ишлаб чиқадиган назорат тизими бу консалтацион хизматлар бўлиб, уларни фирма ўзининг аудиторлик функцияларига киритмайди.

Ички назорат тизими тўзулмаси учта таркибий қисмга бўлинган:

назорат муҳити - корхонада ички назорат учун қулай бўлган ўзаро хизмат муносабатларини аниқлайдиган белгилар йигиндисидир;

корхонадаги бухгалтерлик ҳисоби тизими тегишли хўжалик муомалаларини ёзишга таалуқли ҳисоб сиёсати ва амаллардир;

назорат амаллари корхона ходимлари томонидан бажариладиган махсус текширувлар.

Ушбу учала таркибий қисм ўзаро боғлиқликда ахборотлардаги жиддий хатоларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тўзатишни таъминлайди.

*Назорат муҳити* деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг хабардорлиги, ички назорат тизимини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ишлари тушунилади.

Назорат муҳитининг ахволи раҳбарларнинг иш услуби, уларнинг дунё қараши, назорат ва ходимлар устидан назорат мақсадини тушунтириш тизимининг самарадорлигига боғлиқ.

Назорат муҳити қуйидаги элементлардан иборат:

- сиёсат ва бошқарув услублари;
  - корxonанинг бошқарув тўзулмаси;
  - директорлар кенгаши, хусусан унинг аудиторлик комитети фаолияти;
  - бошқарув функциялари ва масъулиятларни тақсимлаш услублари;
  - назорат бошқарув услублари, шу жумладан ички аудит;
  - кадрлар сиёсати ва амалиёт;
  - ташқи таъсирлар (банклар текшируви, солиқ назорати).
- Назорат муҳитидаги назорат амалларига назорат амалларининг айрим хусусиятлари ҳосдир.

Раҳбарлар ва менежерларнинг назоратга муносабати назорат муҳитига энг катта таъсир кўрсатади. Бошқарувнинг юкори погонаси хизматчиларнинг назоратга муносабатини белгилайди. Яхши бошқарув муҳити юкори даражадаги ички коммуникация тизимини таъминлайдиган, директорлар Кенгаши хўзуридаги аудиторлик инспекциясининг самарали ишлашига ёрдам берадиган, бюджетлар тизими (бизнес-режа ёки смета) ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлардан фойдаланадиган, ички аудитнинг самарадорлигини таъминлайдиган бошқарув тизими билан тавсифланади. Кейинчалик, назорат муҳити корхона ходимларининг компетентлиги, хизмат вазифаларининг тақсимланиши, активлар, ҳужжатларни олиш имкони ва ҳисоб ёзувларини вақти-вақти билан таккослаб туриш билан аниқланади. Назорат функцияларини амалга оширувчи ходимлар компетентлиги корхона ички назорат тизимининг асосий белгиси ҳисобланади. Корxonанинг кадрлар билан боғлиқ муаммолари ички назорат тизимига салбий таъсир кўрсатади. Агар бухгалтерлар тез-тез алмаштириб турилса, бу ҳисоб ва назорат функциялари етарли тажрибага эга бўлмаган ва бунинг оқибатида қўшлаб хатоларга йўл қуядиган одамлар томонидан бажарилишга олиб келади. Янги раҳбарлар ва мансабдор шахслар корхонадаги ҳисоб тизими билан етарли даражада таниш бўлмаслиги мумкин. Айрим ҳолларда бухгалтерия ходимлари юкори бошқарув бугини томонидан топширилган ноҳуя ҳисоб амалларини бажаришни хохламаганликлари учун ҳам ишдан

бушаб кетадилар. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ходимларининг тез-тез алмаштирилиб туриши нохуш факт булиши мумкин.

Ички назорат тизими самарали булиши учун функционал масъулиятларни ёки хизмат вазифаларининг етарли даражада таксимланиши жуда мухимдир. Бу назорат амаллари самарадорлигининг мухим шарти ҳисобланади. Булар қуйидагилардан иборат:

хўжалик муомалаларини амалга оширишга рухсат этиш. Бу вазифани хўжалик муомалаларини расмийлаштириш ҳуқуқига эга ходимлар бажарадилар. Рухсат этиш маълум турдаги муомалалар (масалан, барча турдаги сотиш)га тааллуқли, умумий, ёки махсус (масалан, мухим активни сотишга рухсат этиш) булиши мумкин.

хўжалик муомалаларини рўйхатга олиш. Купчилик корхоналарда хўжалик муомалаларини ёзиш (ҳисоб юритиш) ва ҳисобот ишлари компьютер ёрдамида бажарилади;

хўжалик фаолиятида корхона маблағларининг сакланишини таъминлаш. Бунда корхонага тегишли активларга ҳақиқатда эгаллик қилиш ёки улар устидан назорат ўрнатиш назарда тутилади;

счётларда акс эттирилган суммаларни ва ҳақиқатда мавжуд активларни вақти-вақти билан таккослаб туриш. Бу ерда активларни мунтазам инвентаризация қилиш ва тафовутлар аниқланган ҳолларда тегишли чораларни куллаш тушунилади.

Хизмат вазифаларининг мос келмаслиги - бу шундай комбинация бўлиб, унда хатога йул қуйган ёки ахборотни бўзиб кўрсатган хизматчи ўзининг оддий фаолияти чоғида бу фактларни яшириши мумкин. Вазифалар шундай таксимланиши керакки, хизматчилардан ҳеч бири юқорида санаб утилган туртта функциянинг икки ёки ундан ортигини бажармаслиги лозим. Биринчи ва тўртинчи функциялар бошқарув, иккинчи функция ҳисоб, учинчиси эса саклаш функцияси ҳисобланади. Бу функцияларни турли шахслар ва бўлинмалар уртасида таксимлаш иккита афзалликка эга.

1. ишларни мувофиқлаштириш (битта хўжалик муомаласи турли жихатларини куриб чиқиш) ҳисобига атайлаб қилинмайдиган хатоларни аниқлаш ва тугрилаш осонлашади.

2. ахборотларни бузиб кўрсатиш кийинроқ булади, чунки бу икки ёки ундан ортиқ ишчи шахсларнинг тил бириктиришини талаб этади.

Назорат килиб туриш назорат муҳитининг муҳим элементи ҳисобланади. Корхонада ҳисоб функциялари ва назорат амалларини корхона ходимлари ва компьютер тизими бажариши мумкин. Менежерлар томонидан бу функциялар бажарилиши устидан назорат урнатилишини таъминлаш эътиборга молик. Кредитлаш бўйича менежерлар иши устидан назоратни амалга оширувчи назоратчи, масалан, дебиторлар счётларидаги сальдоларни

8-жадвал

**Инновацион фаолият бўйича умумий  
аудиторлик хатарини**

Умумий аудиторлик хатари (AR)	Ички хўжалик хатари (IR)	Назорат тизими хатари (CR)	Хатоларни топа олмаслик хатари (DR)	Зарур бўлган исботлар сони
Юқори	Паст	Паст	Юқори	Кам
Паст	Паст	Паст	Ўртача	Ўрта
Паст	Юқори	Юқори	Паст	Кўп
Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўрта
Юқори	Паст	Ўртача	Ўртача	Ўрта

назорат счёти маълумотларига вақти-вақти билан таккослаб туриши мумкин. Булинмалар раҳбарлари ёки назоратчилари хизматчилар томонидан топилган хатоларни тузатишлари, шунингдек, корхонадаги ҳисоб тизимига тааллуқли қарорлар қабул қилиши ва руҳсат этиши мумкин. Назорат ўрнатиш бошқарув назоратининг муҳим воситаси ва бутун ички назорат тизими фаолият кўрсатишининг шarti ҳисобланади.<sup>8</sup> (8-жадвал)

<sup>8</sup> Уразов К. Б. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит». Маъруза матилари туплами. (1-2-қисмлар). Самарқанд. СамИСИ, 2004 йил.

Инновацион фаолият аудитининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, уларга доир бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар, бухгалтерия ёзувлари ёлпасига текширилиши лозим, Шунингдек, аудиторлар текшириш ўтказишдан олдин ўз қўлларида инновацион маҳсулотлар яратишга доир операцияларни ҳужжатлаштириш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, моддий ва номоддий кўринишдаги инновацион маҳсулотларнинг хусусиятларини тўғри аниқлаш ва уларга баҳо бериш аудиторларнинг бош мақсади ҳисобланади. Ушбу ишларни тўлиқ амалга оширилиши, бунда меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилиш аудиторлик хатарини ошиб кетмаслигининг муҳим гарови ҳисобланади.

Фикримизча, инновацион фаолият аудитини ўтказишда юқорида келтирилган тартибларга амал қилиш ҳам аудиторлар учун, ҳам унинг миждози учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

#### **4.Боб. КОРХОНАЛАР ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ**

##### **4.1. Мехнат хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари**

Узбекистонда мехнат муҳофазаси – бу тегишли қонун ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг мехнат жараёнидаги хавфсизлиги, сихат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш олдини олиш тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирлар Узбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабр, 1992 йил), Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (21 декабр, 1995 й.), «Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонун» (6 май, 1993 й.), Давлат стандартлари, низомлар ва норматив ҳужжатлар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Республикада демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятининг қурилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тулик риоя этилишини таққоза қилади. Узбекистон Республикасининг Конституциясида Республикамиз фуқароларининг шахсий ҳуқуқий ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яққол узифодасини тоқган. Конституцияда қурсатилганидек, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар». ( 2-модда); «Яшаш ҳуқуқи хар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир...» (24 модда); «Хар бир шахс мехнат қилиш, эркин қасб танлаш, қулай мехнат шароитларида ишлаш ва қонунда қурсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига

эгадир» (37 модда). Юкоридагиларга асосланган холда ифодалаш мумкинки, инсоннинг хаёти хам, меҳнат фаолияти хам, соглиги хам давлат конунлари асосида химояланади, муҳофаза қилинади.

Узбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги конунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ уз аксини топган. Унда «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг хаёти ва соглиги устиворлиги» (4 модда) таъкидланган. Ушбу конун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий қоидалар (1-бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш (2-бўлим, 8 моддадан иборат); ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини руёбга чиқаришдаги қарорлар (3-бўлим, 6 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилишга доир конунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-бўлим, 3 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги конунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик (5-бўлим, 5 моддадан иборат) масалалари ёритилган.

1995 йил 21 декабрда Узбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилинди ва у 1996 йил апрель ойидан бошлаб амалда қўлдан келди. Ушбу конунларда курсатилишича хавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига ёнгин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йул-йўриқлар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қўлдан келтирилган қўшимча талабларга амал қилиши устидан доимий назорат урнатиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида харорат шароитида бажарилаётган ёки хавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат қилувчи ва хизматчиларга белгиланган совун, махсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий химоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун,

сут ёки бошқа хил профилактик озик-овкатлар, иссик цехларда ишловчиларга эса газ-сув билан текин таъминланади.

Хусусан, Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам меҳнат муҳофазаси бўйича бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, ходимларнинг ишлашлари учун шароит, дам олишлари учун шароитлар қилинган, ходимлар хавфсизлигини эътиборга олган ҳолда ҳар хил фавқулодда вазиятларга нисбатан барча тайёргарликлар кўрилган.

Меҳнат қонунлари кодексида бологатга етмаган ёшларнинг меҳнатига алоҳитда эътибор берилган. Ун саккиз ёшга тулмаган йигитларнинг 16 кг дан. Кизларни 10 кг дан ортиқ юк кутаришига, уларнинг иш вақтини ҳафтасига 36 соатдан ортиб кетишига, йул куймаслик керак. Шунингдек, уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш кунлари ишлашга жалб этиш тақиқланади. Ишчи ходимлар учун иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ошиб кетмаслиги, ун саккизга кирмаган ёшлар ҳамда меҳнат шароити зарарли булган ишларда меҳнат қилувчилар учун иш вақти миқдори ҳафтасига қуши билан 36 соат булиши керак. Иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан қуш булмаслиги лозим.

Меҳнат шароитларини меъёрлаштириш, ишчилар учун соғлом ва хавфсиз иш шароитини таъминлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги талаблари асосида стандартлар ишлаб чиқилиб улар маълум бир системага солинган.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсиз ходисаларни олдини олишга қаратилган тадбирлардан бири бу содир булган бахтсиз ходисаларни тугри текшириш ва таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда олинган маълумотлар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарорига асосан «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш» тугрисида Низом қабул қилинди.

Узбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексида ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонунида ва бошқа меъерий ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланади. Қонунда, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун корхоналарнинг жавобгарлиги, (25-модда) меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрланганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, (26 модда); ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги, (28-модда); ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги (29-модда) аниқ курсатиб утилган.

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилган мансабдор шахслар Узбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар» (27-модда).

Ишлаб чиқаришда касб-касалликларининг олдини олиш ва ишлаб чиқариш жароҳатларини камайтиришда, ушбу бахтсиз ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиш асосида уларни келтириб чиқарувчи сабабларни ҳамда ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омилларни пухта урганиш муҳим рол уйнайди.

**Бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари** асосан 4 гуруҳга бўлинади, яъни техникавий, санитар-гигиеник, ташкилий ва психофизиологик.

**Санитар-гигиеник сабабларга** эса меҳнат гигиенаси, санитар нормалар ва қоидаларга амал қилмаслик, ёритилганлик, ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, ҳавонинг босибди каби курсаткичларни меъёрдан четга чиқиши, юқори микдордаги шовкин, ҳавонинг чангланганлиги ёки газланганлигини киритиш мумкин.

**Ташкилий сабабларга** ишчи режими ва дам олиш режимини нотугри ташкил этилганлиги, ишчиларни хавфсизлик техникаси қоидалари буйича

укитилмаганлиги, инструкцияларни булмаганлиги, етрали даражада меҳнатни муҳофаза қилиш талабаларини назорат қилиш булмаганлиги, ишчи жойларида оғохлантирувчи белгиларни булмаслиги, жамоа булиб ишлаётган жойларда ишни ташкиллаштиришдаги камчиликлар, мутахассислик буйича ишга қабул қилмаслик, махсус кийим бошлар ва шахсий химоя воситалари билан таъминламаганлик, асбоб ва ускуналардан нотугри фойдаланишлар мисол була олади.

**Психофизиологик сабабларга** – бажарилаётган ишга эътиборсиз қаралиши, ишчининг уз фаолиятига булган назоратнинг бушлиги, жисмоний ёки асабий толиқиш ва бошқа шу қабилар қиради.

Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омиллар бахтсиз ходисаларни келтириб чиқарувчи сабабалардан фарқ қилади. Бахтсиз ходисаларнинг сабаблари меҳнат муҳофазаси буйича стандартлар, қонун-қоидалар ва қурсатмаларнинг бузилиши, уларга амал қилмаслик оқибати булса, ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омиллар эса бевосита жароҳатланишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар ҳисобланади.

**Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли омиллар** ишнинг тури ва меҳнат шароитига боғлиқ ҳолда 4 гуруҳга булинади: физикавий, химиявий, биологик ва психофизиологик.

**Физикавий омилларга** ҳаракатдаги машина ва механизмлар, уларнинг химояланмаган қузғалувчи механизмлари, иш жойи хавосининг юқори даражада қангланганлиги, газланганлиги, юқори миқдордаги шовқин, титраш, инфратовуш, ултратовуш, ионли ва электр магнитли нолланишлар, статик электр зарядлари, ультрабинафша ва инфра қизил нурлар, юқори қучланишдаги электр ёки магнит майдонлари, ёритилганлик даражасининг меъёрдан четга чиқиш қабил омиллар қиради;

**Химиявий омилларга** - ишлаб чиқариш жараёнларида ишлатиладиган ёки ажралиб чиқадиган турли хил химиявий моддалар қиради. Уларни инсонга таъсир этиш хусусиятига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: умумий захарловчи, қупайиш функцияларига таъсир этувчи; инсон

аъзоларига кириш йули оркали эса: нафас йули оркали таъсир этувчи, овкатланишва хазм килиш системаси оркали ва бевосита тери оркали оркали таъсир этувчи омиллар.

**Биологик омилларга** эса хар хил жарохатлар ва касалликларни келтириб чиқарувчи микро ва микроорганизмлар; бактериялар, вируслар, риккет, замбуруглар, хар хил захарли усимликлар ва хайвонлар икради.

**Психофизиологик омилларга** жисмоний ва асабий зуриқишлар мисол була олади. Жисмоний зуриқишлар статик, динамик ва гиподинамик холда булиши мумкин. Асабий зуриқиш эса кучли аклий меҳнатдан, меҳнатни доимий бир хил қуринишида булишидан, кучли хаяжонланиш ёки асабийлашишдан содир булади.

Ишлаб чиқаришдаги қўлгина холларда ушбу факторлар умумлашган холда учрайди. Ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисаларни олдини олиш, зарарли ва хавфли факторларни таъсир даражасини сусайтириш мақсадида технологик жараёнларни тулик механизациялаштириш, автоматлаштириш ва иш жойларини герметиклаштириш, ишлаб чиқариш хоналарида ёритилганлик, шовкин, титраш микдорларини ҳамда микроклим курсаткичларини нормаллаштириш, ишчиларни махсус кийим бошлар ва шахсий химоля воситалари билан таъминлашни уз вақтида амалга ошириш талаб этилади.

#### **4.2. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион**

##### **йўналишлари**

Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги бўйича бир қатор ишлар қилинган. Жумладан, ёнгин содир бўлганда бинодан чиқиш схемаси, ёнгин ўчоғини ўт ўчирувчилар келгунча, ўчириш учун бинода ўт ўчириш мосламалари ўрнатилган. Ёнгиннинг олдини олиш учун иситиш қурилмаларининг барча талабларга жавоб бериши хар кунлик назорат остида. Яъни иситиш қурилмалари Давлат стандартлари

талаблари асосида нормал меҳнат шароитини таъминлаш мақсадида, иш зонаси ҳавоси ҳароратининг белгиланган миқдорда бўлишини саклашга хизмат қилади.

Иситиш қурилмаларига қўйилган асосий талаблар ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво ҳароратини нормал миқдорда санитар-гигиеник талаблар асосида саклаш ва ишчилар учун соғлом иш шароитини таъминлашдан иборатдир. Меҳнат муҳофазаси нуқтаи назаридан қараганда иситиш системалари ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойлари ҳавоси ҳароратини бутун иситиш мавсуми давомида бир хил бўлишини таъминлаши, ёнгин ва портлашга ҳавфсиз бўлиши, иссиқликни ростлаш имкониятини бериши, ҳавони ифлосламаслиги, шамоллатиш системалари билан боғлиқ бўлиши ҳамда фойдаланишда қулай бўлиши зарур.

Иситиш қурилмалари маҳаллий ва марказий иситиш системаларига бўлинади.

Маҳаллий иситиш-электрик, газли ёки бошқа турдаги иссиқлик манбаидан (кумир, утин ва б.) фойдаланувчи печкалар ёрдамида амалга оширилади ва улар асосан асосий ишлаб чиқариш биноларидан узоқда жойлашган биноларда, ҳамда машина ва тракторларнинг кабиналарида ишлатилади.

Марказий иситиш сув билан, буг билан, сув-буг билан ва ҳаво билан ишловчи қурилмаларга бўлинади.

Сув билан иситиш қурилмалари фойдаланиш жиҳатидан энг қулай ва оддий ҳисобланади. Марказий сув билан иситиш системаларида иссиқлик тушувчи сифатида қайноқ сувдан фойдаланилади. Иситиш жиҳозлари сифатида эса силлик ва коургасимон трубалар ҳамда радиаторлар ишлатилади.

Сув билан иситиш системалари паст ёки юқори босимли бўлиши мумкин. Паст босимли сув билан иситиш системаларида сувнинг ҳарорати иситиш жиҳозларига кириш вақтида  $-85-95^{\circ}\text{C}$ , улардан қайтиб чиқишда эса  $65-70^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлади.

Кайнок сув буг козонидан очик кенгайтирувчи бакга келиб тушади ва бу бак иситиш жихозларидан юкорида урнатилган булади. Кейин эса, сув окими билан иситиш жихозларига, иситиш жихозларидан эса кайтиб яна козонга тушади. Кенгайтирувчи бак сувини кайнаши натижасида кенгайишини мувозанатлаштиради хамда трубаларни ишдан чикишидан саклайди. Бундан ташкари бу бак ёрдамида системага кириб колган хаво чиқарилиб юборилади.

Сувнинг бундай циркуляцияланиш схемаси каби ёки гравитацион система деб аталади. Бундай система сув кайнатиш козонларидан энг узок жойлашган иситиш жихозларига булган масофа 50 м.дан ортик булмаган хамда козон билан энг пастда жойлашган иситиш жихози орасидаги вертикал масофа 3 м.дан кам булмаган холларда ишлатилади. Чунки шундай булган тақдирдагина табиий сув айланиш жараёни амлга ошади.

Юкори босимли сув билан иситиш системаси механик сув айланишини юзага келувчи ёлик системадан ташкил топган булади. Юкори босимли иситиш системалари, жумладан иситиш жихозларида харорат 120-135°C га тенг.

Буг билан иситиш системалари хам паст босимли (70кПа гача) ва юкори босимли (70кПа дан юкори босимли) булиши мумкин. Бунда буг иситиш жихозларида маълум хароратгача совийди ва конденсацияланади («сувга айланади»). Хосил булган кондисат эса козонга кайтади.

Хаво билан иситиш системаларида совук ташки мухит хавоси вентелятор ёрдамида карориферларга узатилади ва калофер оркали утишда исиган хаво хонага йуналтирилади. Агар исик йуналтирилса, окимнинг харорати 70°C гача, 2,0 м баландликдан узатилса 45° С гача булиши талаб этилади. Калоферларда исиклик генератори сифатида буг, кайнок сув ёки электр иситиш жихозларидан фойдаланилиши мумкин. Хаво билан иситиш системаларида харорат шамоллатиш оркали ростланади.

## ХУЛОСА

Корхоналар инновацион фаолияти аудитининг назарий, ташкилий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш куйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Адабиётларда инновацион фаолиятнинг мазмун ва моҳияти, уни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, ушбу фаолиятга доир маълумотларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини аудиторлик текшируви тартиби етарлича очиқ берилмаган. Бизнингча «новация», «инновация», «инновацион фаолият» ҳар қандай кишилик жамиятини, унинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини раванқ топтириш учун амалга оширилаётган ишларни, жараёнларни, моддий ва номоддий кўринишдаги янги яратилаётган мулкни ифодаловчи тушунчалардир. Инновацион фаолиятни махсус фаолият сифатида тан олиш негизида ётувчи ушбу барча талабларга жавоб бера олишлигини куйидагиларда кўриш мумкин.

**Биринчидан**, инновацион фаолият аниқ макон ва замонда амалга оширилади. Унинг макони бўлиб, турли мақомдаги, турли тармоқ ва соҳаларга кирувчи, турли мулк шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона ва муассасалар ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг замони бўлиб ҳисобот даврлари (ой, чорак, йил) ҳисобланади.

**Иккинчидан**, инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлиб инновацион маҳсулот ҳисобланади. **Инновацион маҳсулот** деганда инновацион фаолиятни олиб бориш натижасида олинган моддий ёки номоддий мулк тушунилади. Моддий мулк шаклида олинган инновацион маҳсулот бўлиб янги техника, янги маҳсулот, янги товар ҳисобланиши мумкин. Номоддий мулк шаклидаги инновацион маҳсулот бўлиб янги яратилган ғоя, янги технология, янги хизмат тури, янгича дастурий таъминотлар, лойиҳалар ва бошқалар ҳисобланади.

**Учинчидан**, инновацион фаолиятнинг пировард натижаси бўлган инновацион маҳсулотлар (янги техника ва технологиялар, янги маҳсулотлар

ва товарларнинг намуналари, лойиҳалар, илмий ғоялар ва бошқалар) келгусида улардан фойдаланишда, табиий равишда, иқтисодий наф келтиради, яъни улар корхоналарнинг келгусида иқтисодий ресурсларини кўпайишига, бу ресурслардан фойдаланиш ва уларни сотиш эвазига оладиган фойдасини кўпайишига имкон беради.

**Тўртинчидан,** ҳар қандай фаолият сингари инновацион фаолият ҳам маълум миқдордаги сарф-харажатларни талаб қилади. Чунончи, янги маҳсулотни яратиш учун материал харажатлари, меҳнат харажатлари ва бошқа турдаги харажатлар қилинади. Инновацион маҳсулотларни яратишга сарфланган харажатлар биргаликда уларнинг таннархини ташкил этади.

**Бешинчидан,** илм-фан тараққиётининг бирданига юз бериб қолмаслиги, унинг чегланган имкониятларининг мавжудлиги, янги ғоянинг тадбиқ этишга қаршилик қилувчи объектив ҳамда субъектив омилларнинг мавжудлиги инновацион фаолиятда рискнинг бошқа фаолият турларига нисбатан кўпроқ миқдорда мавжудлигини, шу сабабли моддий ва номоддий кўринишдаги натижага эришилмаганда унга қилинган сарф-харажатларни зарар сифатида тан олиш зарурати борлигидан ҳам дарак беради.

2. Аудит макон ва замонда юз берган ва бераётган инновацион фаолият тўғрисида ҳисоб маълумотларини реаллигини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Инновацион фаолият аудитининг асосий мақсади бўлиб ушбу фаолият ва унга оид операцияларнинг қонуний амалга оширилганлиги, тўғри баҳоланганлиги ва бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганлигини тўғрисида хулоса қилиш учун тегишли исботу-далилларни йиғиш ҳисобланади.

3. Республикамизнинг 3-сон АФМС ва адабиётларда аудитнинг умумий режаси келтирилган. Бироқ, инновацион фаолият аудитининг хусусий режаси махсус кўрсатилмаган. Изланишлар аудиторлик ташкилотлари томонидан тузилган корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти аудити режаларида ҳам инновацион фаолият аудити масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги кўрсатмоқда. Шу боис, изланишлар асосида 3-сон АФМС

хамда юқорида таъкидланган тамойилларга таянилган ҳолда корхоналар инновацион фаолияти аудитининг хусусий режаси ишлаб чиқилди. Мос равишда аудит режасига кирилган ишлар мазмуни ва уларни бир-бирига мантиқан боғлиқлигига қараб, инновацион фаолият аудити кетма-кетлиги модули яратилди ва у махсус блок-схема кўринишида ифодаланди.

4. Инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифлаш асослари махсус меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Улар адабиётларда ҳам аниқ ўз аксини топмаган. Фикримизча, инновацион фаолиятга доир харажатларни таснифлаш негизига бу фаолиятни хўжалик юритувчи субъект учун асосий ёки асосий бўлмаган фаолият эканлигини асос қилиб олиш лозим. Айнан шундай ёндашиш инновацион фаолиятга доир харажатларни бухгалтерия ҳисобида дастлабки ҳужжатларга асосан ўз вақтида тўғри ва тўлиқ акс эттиришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида ушбу фаолият натижаларини тўғри акс эттиришга қулайлик яратади.

5. Республикамизда инновацион фаолияти асосий фаолият бўлган корхоналар учун харажатлар таркибини тартибга солиб турувчи махсус меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Бу турдаги корхоналар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз харажатларини гуруҳлашда ҳақозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га асосланмоқдалар. Бирок, ушбу низомда харажатларнинг таркибини белгилаш бўйича келтирилган тартиб инновацион фаолият асосий фаолияти бўлган муассасаларнинг хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди. Шу боис, «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» асосида инновацион фаолият асосий фаолияти бўлган корхоналар учун махсус «Инновацион фаолият билан шуғуланувчи корхоналар харажатларининг таркиби тўғрисида Низом»нинг лойиҳаси ишлаб чиқилди.

6. Инновацион фаолият асосий фаолияти бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар инновацион фаолиятга доир харажатларини қуйидаги мезонга асосан таснифлаш лозим, деб ўйлаймиз.

**Биринчидан,** инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланмайди. Мазмуни ва характериға кўра инновацион маҳсулотга сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг таннархига киритилмайди, демак бу харажатлар ишлаб чиқариш таннархини акс эттирувчи 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётида ҳисобга олинмайди.

**Иккинчидан,** Инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар шу даврнинг ўзида эмас, балким келгуси даврда самара бериши, яъни даромад келтириши мумкин, аксинча сарфланган харажатлар келгуси даврларда ҳам самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун ҳисобот даврларда инновацион маҳсулотларга қилинган сарф харажатларни то улар иқтисодий самара бергунларига қадар 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Учинчидан,** Инновацион маҳсулотларга сарфланган харажатлар келгусида эришилган натижаларға кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг активи ёки давр харажати сифатида таъ олинishi мумкин. Биринчи холда 3100 “Келгуси давр харажатлари” счётида жамланган харажатлар олинган натижанинг туриға кўра у ёки бу активи акс эттиришға мўлжалланган бухгалтерия счётиға ўтказилиши ва шу ҳисобда ҳисобдан чиқарилиши лозим.

7. Инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш учун энг аввало инновацион фаолиятдан эришиш мумкин бўлган натижани аниқ билиш лозим. Бундай натижалар бўлиб, одатда, капиталлашадиган инновация ёки капиталлашмайдиган инновация ҳисобланади.

**Капиталлашадиган инновация** – инновацион фаолият билан шуғулланиш натижасида яратилган моддий ёки номоддий кўринишдаги активлардир. Капиталлашадиган инновация ўз навбатида иккиға бўлинади:

- Моддий кўринишдаги капиталлашадиган инновация

- Номоддий актив кўринишида капиталлашадиган инновация

**Капиталлашмайдиган инновация** – инновацион фаолиятга сарфланган харажатлар, актив деб ҳисоблаш талабларига жавоб берганлиги туфайли бу харажатлар, хўжалик юритувчи субъект, ана шу харажатлар натижасида, келгусида иқтисодий наф олишини аниқлаш учун етарли бўлмагани сабабли, актив деб тан олиш мезонларига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, инновацион фаолиятга қилинган харажатлар, мазкур харажатлар амалга оширилган даврдаги харажатлар деб эътироф этилади ва кейинги даврда актив деб тан олинмайди.

8. Корхоналар инновацион фаолиятининг мазмун-моҳиятидан, уни пировард натижа бериш ёки бермаслик эҳтимоли ҳамда келажакка йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ушбу фаолиятни жараён сифатида ҳамда унга қилинган сарф-харажатлар ҳисоби учун номи юқорида зикр этилган стандартга махсус 3120 «Инновацион фаолиятга доир харажатлар» счётини киритиш лозим. Ушбу сёт бўйича аналитик ҳисобни инновацион фаолиятнинг аниқ турларига қараб қуйидаги аналитик сётларда юритиш мақсадга мувофиқ:

- илмий (илмий-тадқиқот) ишлари;
- фундаментал илмий тадқиқотлар;
- амалий илмий тадқиқотлар;
- илмий-техник ишлар;
- экспериментал ишланмалар ва тажриба-конструкторлик ишлар.

9. Инновацион фаолият пировардида натижа бериши ёки бермаслиги мумкин. Бу фаолиятдан, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пировардида инновацион маҳсулот олинади ёки у олинмасдан қолинади. Инновацион маҳсулотнинг олинishi инновацион фаолиятга қилинган сарф-харажатларни капиталлаштириш, яъни уларни у ёки бу турдаги актив сифатида тан олиш ҳамда корхона балансига кирим қилиш имконини беради. Ушбу маҳсулотга эришилмаслик қилинган сарф-харажатларни зарар сифатида тан олинishiга ва корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдаси эвазига

ҳисобдан чиқарилишига олиб келади. Инновацион фаолиятга доир сарф-харажатларни юқорида келтирилган тартибда ҳисобдан чиқарилиши тавсия этилаётган 3120 «Инновацион фаолиятга доир харажатлар» счётининг кредитида ва мос равишда тан олинган якуний натижани ифодаловчи счётларнинг дебитида акс эттирилиши лозим.

10. Инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: (1) давлат бюджети маблағлари; (2) акциядорлар мулки; (3) банк кредитлари; (4) венчурли молиялаштириш; (5) лизинг (6) форфейтинг; (7) аралаш молиялаштириш.

11. Асосий воситалар сифатида қабул қилинадиган янги инновацион маҳсулотларнинг бошланғич қийматини нотўғри ҳисоб китоб қилиниши корхонада турли салбий оқибатларга, чунончи:

–инновацион маҳсулотларга қилинган харажатларни капиталлаштириш ва келгусида уларни аста секинлик билан ҳисобдан чиқариб бориш ўрнига, вақтидан олдин ҳисобдан чиқарилишига, мос равишда ҳисоб даври харажатларини сунъий кўпайишига олиб келади;

–қабул қилинган асосий воситалар кўринишидаги инновацион маҳсулотлар бўйича мол мулк солиғини кам ҳисобланишига сабаб бўлади;

–корхона тўлайдиган фойда солиғини кўп ҳисобланиши ва соф фойдани сунъий камайтиришга олиб келади.

Асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулотлар аудитнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб улар қийматига текширилаётган даврда қуйидаги турдаги харажатларни киритиб юборилмаганлиги аниқлаш ҳисобланади:

- инновацион маҳсулотга қилинган таъмирлаш харажатлари;
- тегишли асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари;
- маъмурий харажатлар ва инновацион маҳсулотни сотиш чоғида бевосита қилинган харажатлар.

Ушбу турдаги харажатлар асосий воситалар сифатида тан олинган инновацион маҳсулот таннархига эмас, мос равишдаги асосий фаолият харажатларига киритилиши лозим.

12. Тажиба-конструкторлик ишларига қилинган харажатлар натижасида олинган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект бошқа активларни ишлаб чиқариши чогида сарфланиб кетади ва харажат сифатида тан олинмайди. Бундан ҳолатда мазкур харажатлар амортизацияси бошқа актив қийматининг бир қисмини ташкил этади ва баланс қийматига киритилади. Масалан, илгари актив деб ҳисобланган тажиба-конструкторлик ишлари харажатлари ишлаб чиқариш товар-моддий захиралари қийматига киритилиши мумкин. Бошқа активларнинг баланс қийматига киритилган тажиба-конструкторлик ишлари харажатлари шу тариқа ана шу активларнинг бошқа харажатлари қилинган пайтдаги харажатлар деб тан олинади. Аудиторлик текширувида ушбу тартиб қоидаларга тўлиқ амал қилинганлигига баҳо берилиши лозим.

13. Тўғри йўлга қўйилган ички назорат тизими инновацион фаолият ҳисобида хатолар вужудга келишини бартараф этиб, натижада, нотўғри, бефойда қарорлар қабул қилиш ҳамда зарарлар вужудга келишини имкон қадар камайтиради. Бунинг устига ички назорат яхши йўлга қўйилганда тасодифий хатолар осон аниқланади, атайлаб қасдан қилинган хатолар эса факат пухта уйланган доимий текширув ва масъулиятларни тақсимлаш тизими ёрдамида бартараф қилиниши мумкин.

Фикримизча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш корхоналар инновацион фаолияти ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга имкон беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Расмий материаллар**

#### **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.«Налоговый Кодекс» Республики Узбекистан, Ташкент, 2009 год.
- 2.Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тугрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.
- 3.Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Қонун. (Янги тахрир). Мазкур Қонунга УзР 26.05.2002 й. 447-И-сон Қонунига мувофиқ узгартиришлар киритилган.

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари**

- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Иновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916 сон Қарори

#### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

- 5.«Аудиторлик ташкилотлари тугрисида»ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.
- 6.«Аудиторлик фаолиятини такомиллаштири ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тугрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги қарори .
- 7.Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йуналишлари тугрисида»ги Қарори
- 8.«Қорхоналарда ички аудиторлик хизмати тугрисида»ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябр 215-сонли қарори билан тасдиқланган.

9.«Махсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида»ги Низом. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган. (2003 йил 15 октябрдаги 444-сон қарори билан узгартиришлар киритилган).

**Халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари ва Кумиталари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

10"Молиявий ҳисобот буйича аудиторлик ҳисоботи" 700-сон Аудит халқаро стандарти. Тошкент, 2005 йил.

Правило (стандарт) №6 Российской Федерации «Аудиторское заключение по финансовой (бухгалтерской) отчетности». «Налоговый кодекс Российской Федерации» № 146 - ФЗ. 1998 год. 31 июль. Статьи № 248,249, 250.

11. Ўзбекистон Республикаси Аудит миллий андозаси 3-сон афмс «Аудитни режалаштириш». Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 14.07.1999 й. п 54.

12.Ўзбекистон республикасининг 16-сон амс "Эксперт ишидан фойдаланиш". Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан руйхатга олинган 03.09.1999 й. п 816 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 27.07.1999 й.п 60 (Мазкур Аудит миллий стандарти 2000 йилнинг 1 январидан қўлдан кичтилади).

13.Ўзбекистон республикасининг 50-сонли афмс "Аудиторлик далиллари". Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 3 апрелдаги 48-сонли буйруғи билан тасдиқланган .

14.Ўзбекистон республикасининг 70-сон афмс «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тугрисидаги аудиторлик ҳулосаси" аудиторлик фаолияти миллий андозаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2001 йил 14 февралдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган. (2001 йил 20 мартдан қўлдан кичтирилган).

15. Узбекистон республикаси Аудит миллий стандарти 9-сон амс «Жиддийлик ва аудиторлик rischi». Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 04.08.1999 й.

16. Узбекистон Республикаси «Асосий хужалик фаолиятдан даромадлар» номли 2 -сон бухгалтерия хисоби миллий стандарти. Узбекистон Республикаси Бухгалтерия Хисобининг Миллий Стандартлари, Тошкент, 2002 й., 38-бет.

#### **Президент Ислом Каримов асарлари ва сузлаган нутклари**

17. Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этиш уллари ва чоралари. - Т.: «Узбекистон», 2009.

18. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоралик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Т.: «Узбекистон», 2010

#### **Илмий монография, уқув кулланма ва дарсликлар.**

19. Бобожонов О. «Молиявий хисоб». Тошкент, «Молия», 2002 йил.

20. Додобоев Ю.Т., Болтабоев А.К., Эргашев З. «Халқаро сайёҳликни ташкиллаштириш». Тошкент, 2002 йил.

21. Дустмуратов Р. Д. «Аудит асослари». Дарслик. «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат миллий нашриёти. Тошкент-2003. 72бет.

22. Мусаев Х.Н. "Аудит". "Молия нашриёти", Тошкент, 2003 йил

23. Пардаев М. К., Абдукаримов И. Т., Исроилов Б. И. «Иқтисодий таҳлил» -Уқув кулланма- Тошкент, «Меҳдат», 2004 йил.

24. Пардаев М. К., Атабаев Р. «Туристлик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш». Маърузалар курси. Самарканд, СамИСИ, 2006. 119-126 бетлар.

25. Пардаев М. К., Исроилов Ж. И «Хусусий корхоналар фаолияти тахлилининг назарий ва методологик муаммолари». Монография. Тошкент : «Фан ва технология», 2007 йил, 123 бет.

26. Санаев Н. Нарзиев Р. "Аудит". "Шарк" нашриёти, Тошкент, 2001 йил

27. Уразов К. Б. «Бухгалтерия хисоби ва аудит». Маъруза матнлари туплами. (1-2-қисмлар). Самарканд. СамИСИ, 2004 йил.

28. Уразов К. Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва соликка тортиш». Тошкент. «Иқтисодиёт ва ХУКУК дунёси», 2004 йил.

29. Уразов К. Б. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия хисобининг концептуал масалалари» Тошкент. «Фан», 2005 йил.

30. Уразов К. Б. «Бошқа тармоқларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлари». Маъруза матнлари туплами. 1-қисм. СамИСИ, 2005 йил. 136-139 бетлар.

31. «Молиявий хисоб 1». Уқув қўлланма. Тошкент, 2008 йил. 123-126 бетлар.

#### Хорижий нашрлар

32. Арене А., Лоббек ДЖ. Аудит: Пер. с англ.; Гл. редактор серии проф. Я. В. Соколов. -М.: Финансы и статистика, 2003. (141 бет).

33. В.А. Макаренко современный словарь. В 2 т.-М., 2000 год.

34. Д. Кондратьев «Анализ финансовой отчетности». Москва, «Финансы и статистика». 1996 год. 383 бет.

35. Глушков И.Е., Киселева Т.В. «Бухгалтерский (налоговый, финансовый, управленческий) учёт на современном предприятии». Москва. 2004 год. 2 том. 137бет.

36. Корельский В.Ф., Гаврилов Р.В. Биржевой словарь: В 2 т.-М., 2000 год.

37. Медлик С. «Гостиничный бизнес». Москва. «Финансы и статистика». 2006 год. 6 бет

38. Райзберг Б. А., Лозовский Л. Ш., Стародубцева Е. Б. Современный экономический словарь. - 5-е Изд., перераб. и доп.-м., 2006

39. Сперанский А. А., Пахомчик Е. А. «Краткий курс по экономическому анализу». 2-е издание, стереотипное. Москва. «Окей-книга», 2008. 139-140 бетлар.

40. Толпаков Ж. С. «Бухгалтерский учет». Караганда. ОАО «Карагандинская Полиграфия», 2004 год. 821-822 бетлар.

41. Феохтистов Иван Александрович «Гостиничный бизнес: особенности бухгалтерского учета и налогообложения» - 2-е изд., перераб. И доп. - М.: Гросс Медиа: РОСБУХ, 2009. 18 б.

42. Шеремет А. Д. «Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия». Учебник. - М.: инфра-М, 2008, 169 бет.

43. Яковлева Г. А. «Экономика и статистика туризма»: учебное пособие. М. Изд-во РДЛ, 2005 год.

Илмий мақолалар ва конференция тезислари

44. «Практические рекомендации по определению уровня существенности в аудите». Газета НТВ, 7 ноября 2008 г.

45. Коровин А. В., старший научный сотрудник МГУ им. Ломоносова, кандидат экономических наук «Особенности финансового анализа в аудите». Научный доклад. • манба: [www. Audit-it.ru](http://www.Audit-it.ru)).

46. Кира Форестер генеральный директор компании «М-Аудит» «Проблемы с бухгалтерским учетом? Отдайте их на аутсоринг» // Гостиничное дело // 2008 год, сентябрь

47. Уразов К. Б. Бухгалтерия хисоби счётлар режаси: муаммолар ва ечимлар // Бозор, пул, кредит-2005 йил-№6.

48. Уразов К.Б., Мардонов М.Ш. «Иновацион фаолиятнинг бухгалтерия хисоби объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи» Самарқанд. СамИСИ “Иқтидорли ёшлар – келажак бунёдкорлари” илмий анжумани 2009й.

49. Уразов К.Б., Мардонов М.Ш. «Иновацион маҳсулот ва унга сарф қилинган харажатлар аудити» Самарқанд. СамИСИ “Баркамол авлод – порлоқ пойдевори” илмий анжумани 2010й.

**Интернет сайтлари:**

[www.allinsurance.ru](http://www.allinsurance.ru)

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.alscom.uz](http://www.alscom.uz)

[www.kafolatdask.uz](http://www.kafolatdask.uz)

[www.ankil.ru](http://www.ankil.ru)

[www.sugurta.biz](http://www.sugurta.biz)

[www.spsemost.ru](http://www.spsemost.ru)

[www.agros.uz](http://www.agros.uz)

[www.znay.ru](http://www.znay.ru)

[www.arksugurta.uz](http://www.arksugurta.uz)

[www.strahovka.ru](http://www.strahovka.ru)

[www.aig.com](http://www.aig.com)

[www.bookpost.ru](http://www.bookpost.ru)

[www.audit-it.ru](http://www.audit-it.ru)

[www.cfin.ru/finanalizis](http://www.cfin.ru/finanalizis)

[www.analitic.ru](http://www.analitic.ru)

[www.optim.ru/fin](http://www.optim.ru/fin)

[www.buh.ru](http://www.buh.ru)

Башарувчи: ~~М.Ш. Мардонов~~ М

Ишчи

Рақбар: Ю.И. У. и.ф.д. проф. К. Уразов

**«Инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар  
харажатларининг таркиби тўғрисида Низом»  
(лойиха)**

**I. Инновацион маҳсулот (технология, лойиха)ларнинг ишлаб  
чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби.**

Инновацион маҳсулот (технология, лойиха)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кура қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чикиндилар қиймати чегирилган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириш қиймати;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

**1.1. Инновацион маҳсулот (технология, лойиха) ишлаб чиқариш  
билан боғлиқ моддий харажатлар**

1. Инновацион маҳсулот (технология, лойиха)нинг асосини ташқил этиб унинг таркибига кирадиган ёки инновацион маҳсулот (технология, лойиха)ларни тайёрлашда зарур таркибий қисми ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар.

2. Технология жараёнини бир меъёрлилигини таъминлаш ва маҳсулотларни ураш учун инновацион маҳсулот (технология, лойиха) лар ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситаларнинг синовни ўтказиш, назорат қилиш, асраш, тузиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган четдан харид қилинган материаллар,

шунингдек асбоб-ускуналарни тузиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар, приборлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва асосий фондларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши, махсус кийим-бош ва бошқа арзон баҳоли ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши.

3. Сотиб олинadиган, келгусида инновацион фаолиятда монтаж қилинадиган ускуналар ёки қўшимча ишлов берилadиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар.

4. Табиий хом ашё (ер рекултивациясига ажратмалар, ихтисослаштирилган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ерни рекултивация қилиш ишларига ҳақ тўлаш), илдизи билан берилadиган дарахтга ҳақ тўлаш, саноат корхоналари томонидан сув хўжалиги тизимидан белгиланган чегара доирасида ва ундан ортиқча олинadиган сув учун ҳақ тўлаш. Саноатнинг хом ашё тармоқлари учун ёғоч-тахта материаллардан ёки фойдали казилмалардан (рудадан) фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизация қилинадиган қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари.

5. Технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш буйича транспорт ишлари.

6. Инновацион фаолиятнинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган харид қилинадиган барча турдаги энергия.

7. Инновацион маҳсулот таннархига киритилadиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чикиндилар қиймати ва идиш ва ураш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи буйича чиқариб ташланади.

2. Инновацион маҳсулот (технология, лойиҳа) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

1. Хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ, бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган амалда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан бажарилган ишни ҳисобга олиш буйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги туловлар.

2. Касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар.

3. Иш тартиби ва меҳнат шaroитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тусдаги туловлар, шу жумладан:

3.1. Технология жараёни буйича жадралда назарда тутилган тунги вақтда, дам олиш ва байрам (ишламайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар ва қўшимча ҳақ.

3.2. Куп сменали режимда ишлаганлик касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат курсатиш доирасини кенгайтирганлик учун устамалар.

3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар руйхати буйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иклим шaroитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шaroитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар.

3.4. Алоқа, темир йул, дарё, автомобиль транспорти ва катта йуллар ходимларининг ва доимий иши йулда утадиган ёки катнов тусига эга бўлган бошқа ходимларнинг иш ҳақи, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жунаган пайтидан бошлаб шу жойга қайтиб келган пайтигача туланадиган йулда утган ҳар бир кун учун туланадиган устамалар.

4. Иш вақтбай усулида ташкил этилганда, иш вақти жамланиб ҳисобланганда ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган муддатидан ортиқ ишлаганлиги учун бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш.

7. Хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг узи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага киради.

### **3. Инновацион маҳсулот (технология, лойиҳа) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар**

1. қонун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

2. Нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

### **4. Инновацион маҳсулот (технология, лойиҳа) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси**

### **5. Ишлаб чиқариш аҳамиятидаги бошқа харажатлар.**

## **II «Давр харажатлари»га қуйидаги моддалар киради:**

### **1. Инновацион маҳсулотларни сотиш харажатлари**

1. Инновацион маҳсулотларни темир йул, ҳаво, сув автомобиль транспортида ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари ва транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар киради.

2. Инновацион маҳсулотларни сақлаш, уларга ишлов бериш, кадоқлаш ва уларни навларга ажратиш харажатлари.

3. Инновацион маҳсулотларни рекламаси қилиш харажатлари.

5. Ташиш, сақлаш ва вақтида инновацион маҳсулотларнинг меъёр даражасида ва ундан ортиқча йўқотилиши.

6. Ураш-жойлаш материаллари харажатлари.

7. Бозорларни урганиш буйича белгиланган маъёрлар доирасида ва ундан ортиқча сарфланган харажатлар (маркетинг ва рекламага сарфланган харажатлар).

## **2. Маъмурий харажатлар**

1. Бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

2. Бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар.

3. Енгил автотранспорт ва микроавтобусларни асраш ва ижарага олиш харажатлари.

4. Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

5. Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа тармоқларига, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини асраш ва уларга техник хизмат курсатиш харажатлари.

6. Ижара, хизматлар кўрсатилганлиги учун алоқа тармоқларига ҳақ тўлаш (АТС, уяли, йулдош, пейжинг алоқа).

7. Маъмурий бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш.

8. Маъмурий ахамиятга эга бўлган асосий воситаларни асраш ва уларни тузиш, шунингдек эскириш (амартизация) харажатлари.

9. Юқори ташқилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқа харажатларига ажратмалар.

10. Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ булмаган мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш.

11. Башқарув ходимларини хизмат сафарига юбориш буйича белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар.

## **3. Бошқа операцион харажатлари**

1. Янги ташкил этилаётган инновацион фаолиятда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бундан мустасно.

2. Инновацион маҳсулот аудити хизматига ҳақ тўлаш, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг катнашчиларидан(мулкдорлардан)бирининг ташаббуси буйича утказиладиган аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш.

3. Инновацион маҳсулот бўйича компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар.

4. Инновацион маҳсулот яратиш бўйича бюджетга мажбурий туловлар, солиқлар йигимлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ туланадиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига кушиладиган махсус бюджетдан ташқари жамгармаларга ажратмалар.

15. Зарарлар, жамиялар, пенялар.

**4. Ҳисобот давридан кейин солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар.**

1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва агрегатларни узлаштиришга сарфланадиган харажатлар:

2. Инновацион маҳсулотларни яратиш ва қулланилаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жихозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар.

3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

4. Серияли ва кенг қуламда чиқариладиган маҳсулотлар янги турларини ишлаб чиқаришни ҳамда технологик жараёнларни тайёрлаш ва узлаштириш харажатлари.

5. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш линияларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

### **III. Молиявий фаолият буйича харажатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган киска муддатли ҳамда узок, муддатли кредитлар буйича, шу жумладан тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар буйича туловлар.

2. Мулкни узок муддатли ижарага олиш (лизинг) буйича фоизларни тўлаш харажатлари.

3. Чет эл валютаси билан муомалалар буйича салбий курс тафовутлари буйича зарарлар.

4. Сарфланган (қимматли қогозларга, шубба қорхоналарга ва хоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан қурилган зарарлар.

5. Уз қимматли қогозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар.

6. Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар, шу жумладан салбий дисконт.

### **IV. Фавқулоддаги зарарлар**

Фавқулодда зарарлар - бу хўжалиқ юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва руй бериши қутилмаган одатдан ташқари харажатлардир. Бунга фавқулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган утган давр харажатлари қирмайди.

ИЗЛАНИШ БАЖАРИШГА  
БУЮРТМА

Самарқанд ш. \_\_\_\_\_  
2008 й. « 6 - ноябр » \_\_\_\_\_»

1. Буюртма берувчи корхона  
« Кошма - ширинг » аудиторлик корхонаси

(корхонанинг ном ива манзилгоҳи)

Изланишни бажарувчигақуйидаги мавзу йўналишида изланиш (тадқиқот) ни бажарилишини юклайди

Корхоналарда инновацион фаолият ағурибичи ҳаётдаги масалалари

2. Изланиш (тадқиқот)нинг бажарилиш муддати

бошланиши 4 январ 2009 й

тугатилиши 1 май 2009 й

3. Кутилган натижалар Корхоналарда инновацион фаолият ағурибичи таъкил қилиш бўлиши ва шунинг билан таъкиллар шундай шиклади

4. Бажарилган изланиш (тадқиқот) ни қабул қилиш тартиби

Қабул қилиш қилиши ҳақинда ҳақинда ҳақинда

Корхона раҳбари



Бажарувчи

Ҳ. А. Ахмедов

проф. Урадов К.В



Институт муҳри

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Самарканд иқтисодиёт ва  
сервис институти ректори  
Ғ.Қудратов

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Ташкилот раҳбари



« 15 » май 2020 й « 15 » май 2020 й

Самарканд иқтисодиёт ва сервис институтида илмий тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Бу юртимачи «Комп-инвест» аўторлик ташкилоти  
Урозов К.В.  
(ташкилот раҳбарининг насаби, исмий-шарифи)

Ушбу далолатнома тасдиқлайди «Қорғочалар инновация фаоллиги  
иқтисодий натижалари  
Самарканд Иқтисодиёт ва Сервис Институти  
(мавзунинг номи, расмийлаштирилган давлат рақами)  
(Облий ўқув юрти, илмий-тадқиқот даргоҳининг номи)

томонидан бажарилган қиймати \_\_\_\_\_  
(сон ва сўзлар билан)

сўм миқдордаги \_\_\_\_\_  
(бажарилиш муддати)

бажарилган илмий-тадқиқот иши «Комп-инвест» аўторлик  
ташкилоти  
(жорий этилиши керак бўлган ташкилотнинг номи)

хўжалик фаоллигига жорий этилган. Қорғочалар инновация фаоллиги  
1. Жорий этилган натижанинг тури аўторлик ўрнатилган бўйича услубий  
кўрсаткич  
(технологик жараёнлар, янги маҳсулотлар, яратиш услубий кўрсаткичлар ва ҳоказо)

2. Жорий этилган ҳажми кичик ҳажми  
(кичик ҳажмда, катта ҳажмда, саноат миқёсида)

3. Жорий этиш шакли \_\_\_\_\_  
Услубий (усули) услубий кўрсаткич (иқтисодий стандарт)

4. Илмий тадқиқот ишлари натижасининг янгилиги \_\_\_\_\_  
Янги  
(буғунги Янги, модификация ёки модернизация қилинган эски ишламалар)

5. Жорий этилган: \_\_\_\_\_  
-саноат миқёсида ишлаб чиқаришга «Комп-инвест» аўторлик ташкилотида  
(объект ташкилотни кўрсатиш керак)

\_\_\_\_\_ (ташқил номи)

6. Йиллик иқтисодий самара  
кутилаётган урғоқ 1500 - 2500 минг сўм  
хақиқий \_\_\_\_\_ минг сўм  
(% ларда сон ва сўзлар билан ёзиб кўрсатиш керак)

7. Жорий этилган натижаларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳиссаси \_\_\_\_\_ минг сўм

8. Жорий этилган иш ҳажми  
ИТИ шартнома тизилгандаги кафолатланган иқтисодий самарадан ИС кафолатланган сўм  
ҳисобида) неча \_\_\_\_\_ % бажарилди

9. Социал ва илмий техник самарадорлиги 1-қўроқлар инновацияси дўқор  
самар оқшарди аудиторлик rischiчи камабтирани  
стаблани муҳофаза қилиш меҳнат шартларини яхшилаш ва соғломлаштириш ва ҳбказо)

Эслатма: Ушбу жорий этиш далолатномаси Буюртмачи ва Бажарувчилар томонидан тамғали муҳр билан тасдиқланади.


Илова! Ҳақиқий (жорий қилишдан қутилган) бир йиллик иқтисодий самаранинг режа бўлими бошлиғи (ИТИ-да техник-иқтисодий бўлим бошлиғи) техник бўлим ва бош бухгалтер (ҳақиқий самара ҳисоби имзо учун) чекан ва тамғали муҳр босилган ҳисоб-китоби

2. Социал самара тўғрисидаги масъул шахс имзо чекиб, муҳр билан тасдиқланган маълумотномаси

Олий ўқув юрти томонидан:  
Илмий ишлар проректори  
Алламова  
Илмий тадқиқот ишлари раҳбари  
\_\_\_\_\_ 200 й  
Урадов К.Б.  
Варунов И.Ш.



Корхона томонидан:  
Режа бўлими бошлиғи Урадов К.Б.  
Кубин  
Бош бухгалтер Мирзаева Ғ.С.  
Жорий қилишга масъул ходим А. Алланазаров  
« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200 й Али



**Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти Магистратура бўлими  
МА-108 гуруҳ магистранти Мардонов Мамед Шавкатовичнинг  
«Инновацион фаолият аудитининг методологик асослари (Самарқанд  
шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари мисолида)» мавзусидаги  
магистрлик диссертациясига**

**ТАҚРИЗ**

Халқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш яқин йилларда ва келгусида республикамизда ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир. Ушбу устувор вазифани адо этиш хўжалик юритувчи субъектлар олдида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз миқозларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, шу асосда пировард натижада олинадиган фойдани янада ҳам кўпайтиришга имкон берувчи инновацион фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда. Республикамиз Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сон қарори корхоналарнинг айнан ушбу фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.

Магистрант Мардонов Мамеднинг магистрлик диссертацияси инновацион фаолият аудитини методологик муаммоларини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Магистрлик диссертацияси Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари материаллари асосида бажарилган, унда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари ва асарлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар, интернет сайт материалларидан етарлича фойдаланилган.

Магистрлик диссертацияси кириш, тўртта боб хулоса ва таклифлар қисмларидан иборат бўлиб, кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганиш даражаси, мақсади ва вазифалари каби масалалар ёритилган.

Ишнинг биринчи бобида инновацион фаолият аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи, мақсади ва вазифалари, уни таъкил этишга қўйилган талаблар ҳамда аудитининг режаси ва умумий модули ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифи ва таркибини асослаш, инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш инновацион риск ҳамда уни молиялаштириш манбалари ва усуллари очиқ берилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида инновацион фаолиятга доир харажатларнинг аудити, инновацион маҳсулотлар кирими ва чикимининг

аудити ҳамда инновацион фаолият бўйича аудиторлик rischi ҳамда уни камайтириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Ишнинг тўртинчи бобида меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари, техник хавфсизликни таъминлашнинг инновацион йўналишлари ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари кўрсатилган.

Талабанинг иши мазмунидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

-мавзу назарий жihatдан атрофлича ёритилган;

Амалий материаллардан кенг фойдаланилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу тавсиялар илмий назарий аҳамиятга молик.

Ишнинг ютуқларидан бири унинг амалиётга қўлланилганлигидир.

Республикамизда қабул қилинган қонунлар ва олимларимизнинг илмий ишларидан ҳамда интернет маълумотларидан яхши фойдаланилган.

Иш тушунарли ва раvon тилда ёзилган.

Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жадваллар, чизмалар ва кўргазмали воситалар ўз ифодасини топган.

Буларнинг барчаси ишнинг ижобий томонларини ифодалайди.

Шу билан бирга ишда айрим нуқсонлар мавжуд. Чунончи:

1.Иш ҳажмини қисқартириш мумкин эди.


2.Айрим жумлаларда таҳририй нуқсонлар бор.

3.Инновацион маҳсулотга таъсир этувчи омилларнинг аудиторлик таҳлилига кўпроқ эътибор берилса яхши бўлган булар эди.

Лекин, ушбу камчиликлар ишнинг қийматини пасайтирмайди. Бажарилган магистрлик диссертацияси талабларга жавоб беради. У яқунланган, муस्ताқил бажарилган иш. Ишда келтирилган таклиф ва тавсиялар илмий ва амалий аҳамиятга молик.

Юқоридагиларни эътиборга олиб магистрлик диссертациясини химояга тавсия этаман..

Илмий раҳбар, и.ф.д., проф.



Уразов К. Б.

**Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти Магистратура бўлими МА-108  
гурух магистранти Мардонов Мамед Шавкатовичнинг «Инновацион  
фаолият аудитининг методологик асослари (Самарқанд шаҳридаги ишлаб  
чиқариш корхоналари мисолида)» мавзусидаги  
магистрлик диссертациясига**

**Т А Қ Р И З**

Халқ хўжалиги тармоқларини модернизациялаш яқин йилларда ва келгусида республикамизда ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир. Ушбу устувор вазифани адо этиш хўжалик юритувчи субъектлар олдига ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз миқозларини кўпайтириш, улар олдидаги имижини кўтариш, шу асосда пировард натижада олиннадиган фойдани янада ҳам кўпайтиришга имкон берувчи инновацион фаолият билан ҳам шуғулланишни зарурат қилиб қўймоқда.

Айнан шулар магистрант танланган мавзунинг ўта долзарблигидан дарак беради.

Магистрлик диссертацияси кириш, тўртта боб хулоса ва таклифлар қисмларидан иборат бўлиб, кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганиш даражаси, мақсади ва вазифалари каби масалалар ёритилган.

Ишнинг биринчи бобида инновацион фаолият аудит объекти сифатидаги моҳияти, таснифи ва тавсифи, мақсади ва вазифалари, уни ташкил этишга қўйилган талаблар ҳамда аудитининг режаси ва умумий модули ўз ифодасини топган.

Магистрлик диссертациясининг иккинчи бобида инновацион фаолиятга доир харажатларнинг таснифи ва таркибини асослаш, инновацион маҳсулотлар таннархини калькуляция қилиш инновацион риск ҳамда уни молиялаштириш манбалари ва усуллари очиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бобида инновацион фаолиятга доир харажатларнинг аудити, инновацион маҳсулотлар кирими ва чиқимининг аудити ҳамда инновацион фаолият бўйича аудиторлик rischi ҳамда уни камайтириш йўллари кўрсатиб ўтилган.

Ишнинг тўртинчи бобида меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари, техник ҳавфсизликни таъминлашнинг инновацион йўналишлари ва ёнги ҳавфсизлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари кўрсатилган.

Талабанинг иши мазмунидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

-мавзу назарий жиҳатдан атрофлича ёритилган;

Амалий материаллардан кенг фойдаланилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу тавсиялар илмий назарий аҳамиятга молик.

Ишнинг ютуқларидан бири унинг амалиётга қўлланилганлигидир.

Республикамизда қабул қилинган қонунлар ва олимларимизнинг илмий ишларидан ҳамда интернет маълумотларидан яхши фойдаланилган.

Иш тушунарли ва рагон тилда ёзилган.

Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида фойдаланилган адабиётлар рўйхати, жадваллар, чизмалар ва кўргазмали воситалар ўз ифодасини топган.

Буларнинг барчаси ишнинг ижобий томонларини ифодалайди.  
Шу билан бирга ишда айрим нуқсонлар мавжуд. Чунончи:

1. Иш ҳажмини қисқартириш мумкин эди.
2. Айрим жумлаларда тахририй нуқсонлар бор.
3. Инновацион маҳсулотга таъсир этувчи омилларнинг аудиторлик таҳлиliga кўпроқ эътибор берилса яхши бўлган булар эди.

Лекин, ушбу камчиликлар ишнинг қийматини пасайтирмайди. Бажарилган магистрлик диссертацияси талабларга жавоб беради. Ишни ҳимояга тавсия этса бўлади, деб ҳисоблайман.

СамҚХИ “Бухгалтерия ҳисоби  
ва аудит” кафедрасининг  
доценти.



А.И. Алиқулов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВАСЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРА

Кафедра мудирини Уразов К.Б. “Тасдиқлайман”  
2009 йил “16” март проф. Уразов К.Б.

Магистрлик диссертацияси бўйича  
“Аудит” мутахассислиги,  
II-курс магистранти

Дарронов Назар Шавкатович га  
(талабанинг Ф.И.Ш)

**ТОПШИРИК**

1. Мавзу: Корхоналарда инновацион форматда аудитнинг методологик масалалари (Самарқанд шаҳридаги икки таълим корхоналари мисолида)

Мавзу институтнинг “30” 12 2008 йилдаги 107-Т сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Мавзунини долзарб илмий, назарий ва амалий (иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-педагогик, илмий-техник, меҳнат муҳофазаси, ҳаёт хавфсизлиги ва х.)

Аҳамияти Корхоналарда инновацион форматда аудитнинг таълим методологик масалаларини ҳал этиш бўйича баъзиларга

3. Магистрлик диссертациясини бажариш учун тавсия қилинадиган илмий ўқув-услубий ва бошқа ахборот манбаларини (дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, монографиялар, илмий мақолалар ва х.)

1. Уразов К.Б. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
2. намуналар маъна. СамИИ, 2004 йил
3. Фўяд Широров Р.Д. “Аудит асослари”. Дарслик 2003й
4. Тўлқоққонова М.И. ва бошқалар “Аудит”. Фарғана

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВАСЕРВИС ИНСТИТУТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРА

Кафедра мудари Кўрай “Тасдиқлайман”  
проф. Уразов К.Б.  
2010 йил “29” май

Диссертация ишининг дастлабки ҳимояси бўйича кафедра аттестация  
комиссиясининг 1 - сонли йиғилиши баённомасидан

**КЎЧИРМА**

**Комиссия аъзолари:**  
проф. Абдуллаев Р.А.-раис  
проф. Мусаев Х.Н.-аъзо  
доц. Рофеев Д.Р.-аъзо

**КУН ТАРТИБИ:**

**Эшитилди:** МА-108 магистранти Мардонов Мамед Шавкатович нинг “Инновацион фаолият аудитининг методологик масалалари” (Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари мисолида) мавзусида ёзилган магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимоясининг муҳокамаси.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

МА-108 магистранти Мардонов Мамед Шавкатович нинг “Инновацион фаолият аудитининг методологик масалалари” (Самарқанд шаҳридаги ишлаб чиқариш корхоналари мисолида) мавзусида ёзилган магистрлик диссертациясининг Якуний Давлат Аттестацияси Комиссияси ҳузурда ҳимояга тавсия этилсин.

проф. Абдуллаев Р.А.  
проф. Мусаев Х.Н.  
доц. Рофеев Д.Р.

Р.А. Абдуллаев  
Х.Н. Мусаев  
Д.Р. Рофеев